БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 54 (19.725). • 1987 йил 6 март, жума • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

ИРРИГАЦИЯ ШОХОБЧАЛАРИДА

ТЕЖАМКОРЛИК БИЛАН

● Ҳозир Толлимаржон сув омборида бир миллиард куб метрдан кўпроқ сув тўпланди., Кучли гидроагрегатлар ҳар суткада бу ерга тўқ-низ миллион куб метр сув чиқармоқда.

Қарши даштининг ирригаторлари суғориш мавсумига пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар ўтган йил сабоқларидан хулоса чиқариб олдилар. Бултур қўриқ ерлардаги хўжаликлар хўжасизлик оқибатидагина сувдан фойдаланишга 13 миллион сўм пулни бой бердилар.

Сув исрофгарчилигига йўл қўймаслик учун энди ҳар бир томчи сувни қатъий ҳисобга олиш йўлга қўйилди, сувни тежаб-тергаб тақсимлаш жадваллари, карталари, графиклари тузилди. Масалан, улар шўрхок участкалар ювилаётган ҳозирги пайтда сув суғориш тармоқлари ремонтдан чиқарилган ва тозаланган совхозларгагина берилмоқда. Белгиланган тадбирлар эҳтимол тутилган сув тақчиллигига дадил қарши турадериш, икки юз минг гектардан кўпроқ ерни сув билан таъминлаш имконини беради.

(ЎзТАГ).

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетида

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитети СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986 йилги Давлат планини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг якунларини кўриб чиқдилар. Қабул қилинган қарорда мамлакат меҳнаткашлари партия XXVII съезди қарорларини амалга ошира бориб, халқ хўжалигининг барча тармоқларида ижобий силжишлар бўлишига, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги анча ўсишига эришганликлари айтилади. Иқтисодий тараққиёт суръатлари юксалди, бир қанча энг муҳим йўналишлар бўйича беш йилликнинг ўртача йиллик топшириқлари даражасига эришилди. Саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг сезиларли ўсиши таъминланди, дон, картошка, асосий чорвачилик маҳсулотлари турларининг давлат хариди кўпайди. Фантехника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб турган корхоналарни қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш тадбирлари амалга оширилди. Социал проблемаларни янада актив ҳал этиш сари бурилиш бўлди. Уй-жойлар, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш объектларини қуриш кўламлари кенгайди.

Совет кишиларининг ижодий, қизғин меҳнатлари, уларнинг ташаббусларини ривожлантириш туфайли экономикада, ишлаб чиқаришни интенсивлашда ижобий натижаларга эришилди. Меҳнаткашлар КПСС Марказий Комитетининг «Совет халқининг илҳомбахш ижодий меҳнати — ўн иккинчи беш йилликка!» деган Мурожаатномасига жавобан ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага актив кўшилдилар, ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан дадил режалар ва ниятларини амалда рўёбга чиқармоқдалар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети 1986 йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг якунларига кўра, иқтисодий ва социал ривожланишда энг юксак натижаларга эришган, маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятларининг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари давлат хариди планларининг, маҳсулотларни тежаш, сифатини ошириш, уй-жойлар, касалхоналар, мактаблар, мактабгача тарбия болалар муассасаларини қуриш топшириқларининг юз процент бажарилишини таъминлаган шаҳарлар, районлар, корхоналар ва ташкилотларни аниқладилар.

Шу билан бирга 1986 йилда кўпгина бирлашмалар, корхона ва ташкилотлар, районлар, шаҳарлар, областлар, ўлкалар, республикалар энг муҳим ишлаб чиқариш ва социал кўрсаткичлар юзасидан планларни тўла йўсинда уддалай олмадилар. Мусобақани ташкил этишда жиддий камчиликлар бор, меҳнат унумдорлигини ўстириш резервларини сафарбар этиш, маҳсулот сифатини яхшилаш, уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлаш учун мусобақадан ҳанузгача тузук фойдаланилмаётир. Кўпинча мусобақалар хўжалик механизмини қайта қуришдан ажратилган ҳолда ташкил этилмоқда, социалистик мажбуриятлар бажарилиши учун маъсулият пасайиб кетган, мусобақадошларга серунум ва сифатли меҳнат қилиш учун шароитлар яратишга тегишли эътибор берилмаётир.

Иттифоқдош ва автоном республикалар, ўлкалар ва областлар Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг барча кўрсаткичларини бажаришни таъминламаганликларини назарда тутиб 1986 йилги мусобақада уларга ғолиб номи берилмайди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети ҳамда ВЛКСМ Марказий Комитети қуйидагиларни ғолиб деб топдилар ва КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотладилар:

ШАҲАРЛАР

РСФСРдан: Челябинск областининг Касли, Доғистон АССРнинг Каспийск, Мордва АССРнинг Ковилкино, Чита областининг Краснокаменск, Ёқутистон АССРнинг Мирний, Калуга областининг Обнинск, Бошқирдистон АССРнинг Сибай шаҳарлари;

Белоруссия ССРдан: Минск областининг Солигорск шаҳри;

Ўзбекистон ССРдан: Навоий областининг Зарафшон шаҳри;

Эвенклар автоном округи

ШАҲАР РАЙОНЛАРИ

Москва шаҳрининг Волгоград, Гагарин ва Красногвардейск районлари, Минск шаҳрининг Первомайск райони.

ҚИШЛОҚ РАЙОНЛАРИ

РСФСРдан: Бошқирдистон АССРнинг Абзелил, Аургази, Боймоқ, Илиш, Мелеуз районлари; Бурятия АССРнинг Мухоршибир райони; Доғистон АССРнинг Ботлих районы; Қалмиқ АССРнинг Каспийский районы; Шимолий Осетия АССРнинг Пригородний районы; Татаристон АССРнинг Мамадиш, Тўқай районлари; Удмуртия АССРнинг Алнаш районы; Чечен-Ингушия АССРнинг Ножайюрт районы; Чувашия АССРнинг Моргауш районы; Ёқутистон АССРнинг Абийский, Ленинск районлари; Олтой ўлкасининг Бурла районы; Тоғли-Олтой автоном областининг Улаган районы; Краснодар ўлкасининг Красноармейский районы; Красноярск ўлкасининг Березовский, Канский, Сухобузимский, Шушенское районлари; Ставрополь ўлкасининг Предгорний районы; Белгород областининг Ивнянск районы; Брянск областининг Климовский районы; Камчатка областининг Елизово районы; Кемерово областининг Промышленновский районы; Киров областининг Белохолуницкий, Вятские-Поляни, Немский районлари; Кострома областининг Кострома районы; Куйбишев областининг Кинель районы; Курск областининг Курчатовский, Шчигри районлари; Липецк областининг Хлевенский районы; Магадан областининг Шимолий эвенклар районы; Омск областининг Полтава районы; Пенза областининг Неверкинский районы; Сахалин областининг Анива районы; Свердловск областининг Богданович районы; Томск областининг Первомайский районы; Ульяновск областининг Ульянов районы;

Украина ССРдан: Волинь областининг Иваничи, Луцкий, Любомль районлари; Донецк областининг Марьинский районы; Житомир областининг Барновский, Любар районлари ; Закарпатье областининг Виноградов, Иршава, Тячев районлари; Киев областининг Борисполь, Бровари районлари; Қрим областининг Черноморское районы; Ровно областининг Дубровица районы; Суми областининг Краснопольский районы; Тернополь областининг Гусятин, Збараж, Подволочисск районлари; Хмельницкий областининг Шепетовка, Чемеровци районлари; Черновци областининг Путила районы;

Белоруссия ССРдан: Брест областининг Кобрин Столин районлари; Гомель областининг Гомель районы; Гродно областининг Гродно, Шчучин районлари; Минск областининг Дзержинский, Клецк районлари; Могилев областининг Климовичи, Осиповичи районлари;

Ўзбекистон ССРдан: Наманган областининг Наманган районы;

Қозоғистон ССРдан: Актюбинск областининг Иргиз районы; Олмаота областининг Уйғур районы; Қарағанда областининг Осакаровка районы; Қизил Ўрда областининг Орол районы; Кўкчатов областининг Валихонов, Зерендин, Шчучинск районлари; Кустанай областининг Оржоникидзе районы; Шимолий Қозоғистон областининг Совет районы; Тўрғай областининг Киймин районы;

Грузия ССРдан: Богдановка, Каспи, Цхакая районлари;

Литва ССРдан: Кретинга, Мажейкяй, Скуодас, Шяуляй районлари;.

Қирғизистон ССРдан: Иссиқкўл областининг Тўғи районы;

Ўш областининг Аравон районы;

Арманистон ССРдан: Ахурян районы;

Эстония ССРдан: Харью районы.

Бирлашмалар, корхоналар, колхоз ва совхозлар, қурилишлар, илмий-тадқиқот, лойиҳалаш ҳамда бошқа ташкилотлар ва муассасаларнинг, тармоқлараро илмий-техника комплексларининг 1525 коллективи, шу жумладан 703 коллектив СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзилади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органларига 1986 йилги социалистик мусобақа якунларини ҳар томонлама таҳлил этиш, план топшириқлари ва социалистик мажбуриятлар бажарилишини барбод этишга йўл қўймаслик, иқтисодий ўсишнинг қўшимча резервларини топиш ва улардан фойдаланишга алоҳида эътибор бериш вазифаларини топширдилар. Партия XXVII съездининг, КПСС Марказий Комитети 1986 йил июнь ва 1987 йил январь Пленумларининг қарорларига амал қилиб, социалистик мусобақа эришилган ижобий натижаларни мустаҳкамлаш ва кўпайтиришга, иқтисодий ва социал тараққиётда янги сифат марраларига чиқишга, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигигача юксак кўрсаткичларга эришишга йўналтирилсин.

Социалистик мусобақани ташкил этиш хўжалик механизмини қайта қуриш билан, корхоналар ва бирлашмаларни тўла хўжалик ҳисобига ўзини-ўзи пул билан таъминлаш ва ўз-ўзини қоплашга ўтказиш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда такомиллаштирилсин. Меҳнаткашларнинг меҳнат мусобақаси, ташаббуси ва ижодиётини ривожлантириш учун хўжалик юритишнинг янги шароитларидан тўлароқ фойдаланилсин, мусобақадошларни рағбатлантиришда социал адолат принципи қатъият билан амалга оширилсин, ишлаб чиқаришда уюшқоқлик ва интизом юксалтирилсин.

Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолибларининг тажрибалари умумлаштирилсин ва кенг оммалаштирилсин, қолоқ ҳамда ўртача даражада ишлаётган коллективлар ишини яхшилаш учун бу тажрибалардан фаолроқ фойдаланилсин.

Марказий, республика, тармоқ, маҳаллий газета ва журналлар, радио ва телевидение редакциялари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг боришини, мусобақадошларнинг ижодий изланишлари ва ташаббусларини чаққонроқ ёритсинлар, илғорлар иш практикасини, уларни юксак пировард натижаларга олиб борган йўллар ва воситалари чуқурроқ акс эттирсинлар, айрим коллективларнинг қолоқлик сабабларини қатъий очиб берсинлар, уларга ишдаги қийинчиликлар ва камчиликларни бартараф этишда ёрдам берсинлар.

* * *

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолибларини қизғин табриклайдилар ҳамда мамлакат меҳнаткашлари ишда юксак суръат ва аниқ маромни таъминлайдилар, 1987 йилги ҳамда умуман беш йиллик планларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш учун бутун куч ва билимларини сарфлайдилар, Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини меҳнатда янгидан-янги зафарлар билан нишонлайдилар, Ватанимиз қудратини мустаҳкамлаш, Ер юзида тинчликни сақлаш учун курашда ватанпарварлик бурчларини шараф билан ado этадилар, деб ишонч билдирадилар.

* * *

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланган меҳнат коллективларининг рўйхати тармоқ, республика, ўлка ва область газеталарида эълон қилинади.

М. С. ГОРБАЧЕВ Атос Фава билан учрашди

Суҳбат бошланиши олдидан. (ТАСС — ЎзТАГ телефотоси).

3 март куни КПСС Марказий Комитетида М. С. Горбачевнинг Аргентина Компартияси Бош секретари А. Фава бошчилигидаги шу партия делегацияси билан учрашуви бўлди. Иккала партияни, халқаро коммунистик ҳаракатни, барча тараққийпарвар кучларни ғоят қизиқтираётган кўпгина масалалар муҳокама қилинди. Ўз мамлакатларидаги ва умуман дунёдаги жараёнларни назарий жиҳатдан тўғри баҳолаш учун, ҳозирги пайтнинг эҳтиёжларига мос бўлиб тушадиган сиёсий йўл ва тактикани ўз вақтида, аниқ таҳлил олиш учун компартиялар раҳбарлари зиммасидаги фавқулодда масъулият тўғрисидаги фикр суҳбатнинг бутун руҳида сезилиб турди. Ҳозир социализмнинг, миллий мустақиллиқнинг тақдири, ишчи, озодлик ҳаракатларининг имкониятларини рўёбга чиқариш кўп жиҳатдан шу билан белгиланади. Кўпгина умумбашарий проблемалар ва цивилизация омон қолишининг ўзи шу билан боғлиқ.

Совет Иттифоқида рўй бераётган қайта қуришнинг мазмуни ва халқаро аҳамияти тўғрисида батафсил фикрлашиб олинди. М. С. Горбачев КПСС раҳбарларининг қайта қуриш ғоясини танлаб олишлари унинг бош йўналишини ва асосий мақсадларини белгилашларига имкон берадиган, сўнгра эса ўтмиш хатоларига йўл қўймаслик ва қайта қуришга муқаррар тус берилишини таъминлаш имкониятини яратадиган мезонлар ва гарантияларни ишлаб чиқиш йўлини очган ғояларни аргентиналик ўртоқлар билан баҳам кўрди.

Ҳозир машинасозликни янгилашдан тортиб, ички-ликбозликка қарши курашгача бўлган биз ҳал этаётган масалаларнинг ҳаммаси катта сиёсат мавзуи бўлиб қолди. Қайта қуриш амалий ишлар йўлига ўтказилган пайтда кўпгина категориядаги меҳнаткашларнинг манфаатларига дахл қилишини билар эдик. Аммо булар бир лаҳзалик, ўткинчи манфаатлардир. В. И. Ленин таълим берганидек, кескин бурилишларда жамиятнинг туб манфаатлари диққат марказига қўйилиши керак, чунки акс ҳолда жамият келгусида ривожланмай қолиши мумкин. Халқ партияни қўллаб-қувватлади, чунки партия халққа чинакам революцион ўзгартишларни таклиф этди. Ҳа, буни революция, деса бўлади, аммо бунда гап ҳокимият ҳақида бораётгани йўқ, гап ишчи ва деҳқонларнинг ўз ҳокимиятидан социализмни янги поғонага ўтказиш учун самарали фойдаланишлари ҳақида бормоқда.

Қайта қуришнинг моҳиятини социализмдан чекиниш эмас, балки кўпроқ социализм бўлсин, демократиядан чекиниш эмас, балки кўпроқ демократия бўлсин деган оддий формула билан ифодалаш мумкин. Биз қилаётган ва халқ қўллаб-қувватлаган ҳамма ишлар — буларнинг ҳаммаси социалистик йўлга асосланади.

Қайта қуриш кучайиб бормоқда, шу билан бирга қайта қуришнинг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш ҳам чуқурлашмоқда. Ҳозир рўй бераётган воқеалар, Марказий Комитетнинг январь Пленуми муносабати билан эришган марраларимиз ҳали бир йил муқаддам ақл бовар қилмайдигандек туюлар эди. Агар ўшанда биздан ҳозир одат бўлиб қолаётган нарсаларга эришиб бўладими? —деб сўраганларида, биз ё салбий жавоб ёки мужмал жавоб берган бўлур эдик. Шу икки йил мобайнида биз совет кишиларининг ҳозирги эҳтиёжларини қондириш учун ҳали кам иш қилдик. Бизда очлар ҳам, ялангочлар ҳам, уйсизлар ҳам йўқ, албатта. Ҳозир гап бу ҳақда бормаяпти. Жамиятдаги муҳит тубдан ўзгарди. Инсоннинг қадр-қимматини англаш кескин ошди. Гражданлик потенциали қулф урди. Бу эса —қайта қуриш олга боришининг гаровидир. Айни вақтда реалликдардан ажралиб қолмаслик, ўзинни-ўзи мақташ билан овора бўлиб қолмаслик жуда муҳимдир. Гарчи ҳозир биз муваффақиятлар хусусида офарин айтишдан юз ўгириб, танқид, ўз-ўзини танқид, ошкоралик йўлини тутган бўлсак ҳам, бундан буён ҳам ҳамма ишга қатъий ҳатто қаттиққўллик билан, холисона баҳо бераверамиз, ҳақиқатга тик қарайверамиз. Чунки бу — халқни қайта қуришга жалб этишни ва унинг олға ҳаракатини таъминлайдиган демократиянинг муҳим ва таъсирчан қуролидир.

А. Фава Совет раҳбарлари, совет халқи ўз мамлакатида авж олдириб юборган буюк воқеаларнинг бутун жаҳон тараққиёти учун, коммунистик ҳаракат учун бениҳоя аҳамияти ҳақида гапирди. Қайта қуриш — бутун Совет тарихидаги икки-уч ҳодиса билангина қиёс қилиш мумкин бўлган воқеа деса бўлади. Бу —чинакам революцион қаҳрамонномадир. Аммо А. Фаванинг фикрича, қайта қуриш ҳатто коммунистлар орасида ҳам монеликсиз қабул этилаётгани йўқ. Айрим кишилар шу муносабат билан КПСС XX съездини эсга олмоқдалар. У ишонч билдириб айтдики, бу сафар коммунистлар хатога йўл қўймадилар ва социализмнинг дадиллигига, унинг жўшқинлигига таяна оладилар, унинг бутун жаҳон жараёнига ва, аввало, ядро уруши ҳавфини бартараф этиш учун жуда зарур бўлган янгича тафаккурни шакллантиришга қудратли ижобий таъсирини тўғри баҳолайдилар. Қайта қуриш, деди у, — социализмнинг дадиллигидир, амалдаги ленинизмдир. Ў коммунистларгагина эмас, бошқа тараққиқипарвар кучларга ҳам ҳужумга ўтиш, ташаббусни қўлга олиш имконини беради. У ишчилар синфи орасидагина эмас, айниқса зиёлилар орасида, социализмдан юз ўгираёзган бошқа табақалар орасида ҳам яна социализмга қизиқишни кучайтиради.

Ўртоқ Фаванинг ошкора ва чуқур фикрларига жавобан М. С. Горбачев бундай деди: бизга дўстларимизнинг кўз ўнгида қандай намоён бўлаётганимизни билиш жуда муҳимдир, чунки улар бизга бутун ҳақиқатни бегараз ва астойдил муваффақият истаги билан айтишлари мумкин.

А. Фава ўз партияси фаолиятидаги жиддий бурилиш ҳақида, у ҳозирги босқичда Аргентина жамиятининг тараққиёти шароитларига мос тушадиган, бутун Лотин Америкасидаги ва жаҳон майдонидаги катта ўзгаришларни эътиборга оладиган янги йўлни ишлаб чиққанлиги ҳақида гапириб берди.

(Давоми иккинчи бетда).

КАДРЛАР ЎҚУВИ

Тошкент олий партия мактаби партия, совет ва идеология кадрлари малакасини ошириш факультетида Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон Олий Советлари Президиумлари, Министрлар Советлари, областлар ижроия комитетларининг Советлар масалалари билан шуғулланувчи ташкилий-инструкторлик бўлимлари масъул ходимларининг, қишлоқ район ижроия комитетлари раисларининг ўқиши тугади.

Ўқиш давомида марксизм-ленинизм назариясининг, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш ҳамда жамиятимиз турмушининг барча соҳаларини қайта қуриш борасида партия стратегик йўлининг энг муҳим масалалари кўриб чиқилди. Партиянинг кадрлар сиёсатини такомиллаштириш соҳасида КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленуми олға сурган проблемаларга, Совет демократиясини янада ривожлантиришга, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш учун халқ депутатлари Советларининг роли янада ошириш ва масъулиятини кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини рўёбга чиқаришга катта эътибор берилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг масъул ходимлари, республика министрликлари ва идораларининг раҳбарлари тингловчилар ҳузурида сўзга чиқдилар.

Туркманистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. А. Бозорова мактаб ислоҳоти, олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуриш билан боғлиқ масалалар тўғрисида гапирди.

Машғулотлар жараёнида хўжалик механизмини янгилаш шароитида агросаноат комплекси проблемалари, қишлоқ аҳолисига савдо, маиший ва медицина хизматининг аҳволи ҳамда уни ривожлантириш истиқболлари, жамоат тартибини ва интизомини мустаҳкамлаш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ишини яхшилаш проблемалари муҳокама қилинди. Булар ҳақида Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети раисининг биринчи ўринбосари В. И. Антонов, Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри С. М. Баҳромов, ички ишлар министри У. С. Раҳимов, юстиция министри Б. Т. Олимжонов, Ўзбекбирлашув раиси О. М. Маҳмудов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети бўлимларининг мудирлари В. И. Гугнин, П. М. Мироқилов тингловчиларга сўзлаб бердилар.

Тошкент область ижроия комитетининг раиси Т. М. Абдураҳмонов, республика Олий Совети Президиуми бўлимларининг мудирлари М. Т. Тешабоев, Э. Э. Чудновский ошган талаблар асосида халқ депутатлари Советларининг иш услуби ва методларини такомиллаштириш тўғрисида гапирдилар. Тингловчилар Коммунистик, Сирдарё ва Янгийўл районлари халқ депутатлари Советларининг иш тажрибаси билан танишдилар. Иш тажрибаси ўртоқлашилди, ижодий коллективлар билан учрашувлар ўтказилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Р. Н. Нишонов ўз нутқини халқ депутатлари Советларининг ролини янада ошириш, уларнинг активлиги, мустақиллиги ва масъулиятини кучайтириш проблемаларига бағишлади.

(ЎзТАГ).

ЭКИШ БОШЛАНДИ

Наманган районидаги Тельман номли колхоз деҳқонлари плёнка остига эртаги экинлар экишга киришдилар. Белгиланган 130 гектар майдоннинг дастлабки 10 гектарига карам экила бошланди. Бундан аввалроқ уруғи сепилган редиска, бақлажон, бўғ-ғор қалампири каби сабзавот экинлари ҳам плёнка остида парваришланмоқда.

Экинларни экиш ва парваришлаш ишлари О. Жўраев, Н. Умаралиев, Э. Йўлдошевлар бошлиқ бригадаларда айниқса, намунали ташкил қилинган.

А. ҚОРАБОЕВ.
Наманган области.

●

75 МИНГ СЎМ ФОЙДА

Ғаллаорол районидаги «Музбулоқ» совхози чорвадорлари давлатга гўшт топшириш квартал планини ошириб бажардилар. Маҳсулот таннархи олдинги йилларга қарагандa арзон бўлди. Хўжалик 75 минг сўм фойда кўрди.

Совхозда парваришланаётган 120 бош сигирнинг ҳар биридан соғиб олинаётган сут миқдори ҳам ўтган йилги кўрсаткичдан 25 процент кўп бўляпти.

Б. САТТОРОВ.

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети Иваново, Владимир, Новгород ва Тюмень областларида оталиқ ёрдамини кўрсатаётган қурилиш ташкилотлари коллективларининг 1986 йил IV квартали социалистик мусобақаси якунларини кўриб чиқиб **қарор қилдилар:**

Ўзбекистон СССР Автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш министрлигининг пудрат ишлари ҳажми, автомобиль йўллари, кўприкларни доимий фойдаланишга топшириш планини бажарган «Ўзтюмендорстрой» трести 1-йўл қурилиш бошқармаси коллективи (1-йўл қурилиш-бошқармаси бошлиғи ўртоқ Кухранов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Немченко, касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Кирюшкина, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ Насибов) 1986 йил IV квартал якунларига кўра социалистик мусобақа ғолиби деб топилсин ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланиб, диплом ҳамда 750 сўм пул мукофоти топширилсин.

М. С. ГОРБАЧЕВ
Атос Фава билан учрашди

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Фикрлашувлар шуни кўрсатдики, гарчи КПСС билан АКП мутлақо турлича шароитларда ишлаётган бўлсалар ҳам янги жараёнлар ва ҳодисалар ҳақида ўз вақтида фикр билдирилмаган, ўз вазифаларини назарий идрок этишда орқада қолинган ўтган ўн йилликларнинг тажрибаси компартиялар фаолиятидаги кучли ва заиф жиҳатлар принцип жиҳатдан олганда бир хил сабабга бориб тақалишини тасдиқлаб турибди. Воқеаларнинг нохуш ривожланишида айб марксизм-ленинизмда ва социализм системасида эмас, балки тегишли тарихий босқичда, муайян конкрет шароитларда, миллий ва халқаро шароитларда марксизм-ленинизмдан ва социализм системасидан моҳирона фойдалана билмасликдадир.

Ҳамиша, ҳар қандай шароитларда тўғри бўладиган ёндашувларни аввалдан ишлаб чиқиб бўлмайди, деди М. С. Горбачев. Доимо шароитга мувофиқ келадиган ечимларни излаш зарур. Партия, давлат раҳбарларининг сиёсий масъулияти ва роли мана шундан иборат. Бу раҳбарлар воқеалар оқимига етиб юра олмасалар, адашишлар келиб чиқади, бу эса баъзан оғир оқибатларга олиб боради. Шу сабабли, айниқса бурилиш даврларида доимо ўзининг коллектив қиёфасини сақлаб қоладиган изчил, ғояли, жипслашган, ижодий потенциалга эга бўлган раҳбарлик бўлиши лозим. Суҳбатдошлар инсониятнинг омон қолиши йўлидаги курашни меҳнаткашларнинг бевосита манфаатлари учун, миллий мустақиллик учун, дунёдаги одилона иқтисодий тартиб учун, табиатни сақлаб қўшиб олиб бориш проблемасига катта аҳамият бердилар. Улар давлат ичидаги ва халқаро майдондаги синфий ва мафкуравий жиҳатдан турли сиёсий кучларнинг кенг миқёсдаги алоқалари ва ўзаро баҳамжиҳат ҳаракатлари аҳамияти ҳамда характери тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Кўпгина давлатларнинг жуда катта ташқи қарзи ҳамда янги шароитда уларнинг империализм томонидан эксплуатация қилиниши проблемаси таҳлил этилди, бир томондан миллатлараро капитал кучайиб бораётганлиги, иккинчи томондан миллий қадр-қиммат ўсиб, ҳар бир халқнинг ўз йўлини мустақил танлаб олиш ҳуқуқи қарор топиб бораётганлиги — бу янги шароитнинг ўзига хос хусусиятидир. Шу муносабат билан маҳаллий ва халқаро миқёсда империализмга қарши бирдамлик тўғрисидаги масала қўйилди.

Суҳбатдошлар назарий жиҳатдан янада пухтароқ таҳлил этилиши лозим бўлган мана шу проблемаларнинг ҳаммасига баҳо беришга диалектика ва тарихий конкретлик позицияларида туриб ёндашдилар. Шу маънода халқаро коммунистик ҳаракат масалалари хусусида ҳам гаплашиб олинди. Иккала партиянинг эътиқодича, халқаро коммунистик ҳаракат ўз бўғинлари сафидаги камчиликлар ва заифликлар муносабати билан ўтган даврда юзага келган сийқа фикрлар бартараф этилишига муҳтож.

XX асрнинг охиридаги ташвишли ва масъулиятли даврда коммунистик ҳаракат янги куч олиб, ўзаро баҳамжиҳат ҳаракат қилишнинг, тенг ҳуқуқли алоқалар ва биргаликдаги ҳаракатларнинг замон руҳига мувофиқ формаларини ишлаб чиқа оладилар. Коммунистларнинг интернационал овози баралла янграши лозим.

М. С. Горбачев билан А. Фава компартиялар ўртасида янги фикр айтишни монополия қилиб олишга ва ҳар қандай «марказ»га йўл қўймайдиган, актуал ва истиқбол саволларига жавобларни биргаликда қидиришга, ишонч ва сидқидиллик муносабатларига қулайлик берадиган муносабатлар бўлиши кераклигини айтдилар, шундагина улар бир-бирларининг тажрибасини қадрлашлари ва мана шу хилмахил тажрибадан ҳар бир компартия учун фойдали бўлган сабоқлар чиқариб олиш имконини берадиган принципларни ардоқлашлари мумкин бўлади.

Суҳбат чуқур ҳамжиҳатлик муҳитида ўтди. Бу суҳбат ҳақиқий дўстларнинг дилкаш ва ўзаро фойдали мулоқоти бўлди.

Суҳбатда АКП Марказий Комитети Сиёсий комиссиясининг аъзолари П. Энэгарай ва Ф. Альварес, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Ф. Добринин, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси А. С. Черняев қатнашдилар.

(ТАСС).

БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИНГ ҒОЛИБЛАРИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССРДАН

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:

1. Нукус районидаги Э. Тельман номли совхоз.

АНДИЖОН ОБЛАСТИДАН

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди ва СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзилди:

1. Ленин районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Правда Востока» колхози.

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:

2. Избоскан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози.

БУХОРО ОБЛАСТИДАН

Қуйидаги коллективлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотландилар:

1. Ленин орденли «Газлинефтегаздобича» ишлаб чиқариш бирлашмаси.

2. Пешку районидаги «Жонгелди» давлат наслчилик хўжалиги.

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИДАН

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:

1. Фориш районидаги Ильич номли совхоз.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИДАН

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:

1. Ўзбекистон ССР Уй-жой-коммунал хўжалиги министрлигининг Қашқадарё область «Водоканал» ишлаб чиқариш бошқармаси.

НАВОИЙ ОБЛАСТИДАН

Қуйидаги шаҳар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:

1. Зарафшон шаҳри.

НАМАНГАН ОБЛАСТИДАН

Қуйидаги район КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:

1. Наманган райони.

Қуйидаги коллективлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотландилар ва СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзилдилар:

2. Поп районидаги «Партия XXII съезди» колхози.

3. Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг Наманган область ишлаб чиқариш автомобиль трестига қарашли 11-Наманган автобус парки.

Қуйидаги коллективлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотландилар:

4. Задарё районидаги «Гулбоғ» совхози.

5. Тўрақўрғон районидаги В. И. Ленин номли совхоз-заводи.

САМАРҚАНД ОБЛАСТИДАН

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди ва СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзилди:

1. Самарқанд районидаги «Победа» колхози.

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланди:

2. «Самаркандводстрой» трести.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИДАН

Қуйидаги коллективлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари ва СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзилдилар:

1. Қумқўрғон районидаги «Пахтакор» совхози.

2. Г. С. Зайцев номидаги Бутуниттифоқ ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтининг Жарқўрғон районидаги А. И. Автономов номли «Сурхон» экспериментал хўжалиги.

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:

3. Шеробод районидаги «Партия XXV съезди» совхози.

СИРДАРЁ ОБЛАСТИДАН

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:

1. Сирдарё районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ленинград» колхози.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАН

Қуйидаги коллективлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотландилар ва СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзилдилар:

1. Тошкент шаҳридаги «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси.

2. Тошкент шаҳридаги «Узэлектромонтаж» трести.

3. «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-нон заводи.

4. Пскент районидаги И. Охунбобоев номли колхоз.

5. Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози.

6. Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қурилиши ва улардан фойдаланиш министрлигининг Бордонқўл посёлкасидаги «Ҳурмат Белгиси» орденли Улуғ Октябрь социалистик революцияси 50 йиллиги номли 2-йўл-қурилиши бошқармаси.

7. «Главташкентстройга» қарашли 2-Тошкент уйсозлик комбинати.

Қуйидаги коллективлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотландилар:

8. Олмалиқ геологик разведка экспедицияси.

9. Иттифоқ посёлкасидаги Дамачи балиқ комбинати.

10. ВЛКСМ 50 йиллиги номли Оҳангарон совхоз-саноат комплекси.

11. Янгийўл колбаса экспериментал заводи.

12. Тошкент сут ишлаб чиқариш бирлашмаси.

13. Тошкент шаҳридаги «Узсельпромте х м о н т а ж» трести.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИДАН

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди ва СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзилди:

1. Фарғона районидаги В. И. Ленин номли колхоз.

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:

2. Ленинград районидаги И. Охунбобоев номли колхоз.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИДАН

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:

1. Тошкент шаҳридаги «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси.

2. Тошкент шаҳридаги «Узэлектромонтаж» трести.

3. «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-нон заводи.

4. Пскент районидаги И. Охунбобоев номли колхоз.

5. Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози.

6. Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қурилиши ва улардан фойдаланиш министрлигининг Бордонқўл посёлкасидаги «Ҳурмат Белгиси» орденли Улуғ Октябрь социалистик революцияси 50 йиллиги номли 2-йўл-қурилиши бошқармаси.

7. «Главташкентстройга» қарашли 2-Тошкент уйсозлик комбинати.

Қуйидаги коллективлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотландилар:

8. Олмалиқ геологик разведка экспедицияси.

9. Иттифоқ посёлкасидаги Дамачи балиқ комбинати.

10. ВЛКСМ 50 йиллиги номли Оҳангарон совхоз-саноат комплекси.

11. Янгийўл колбаса экспериментал заводи.

12. Тошкент сут ишлаб чиқариш бирлашмаси.

13. Тошкент шаҳридаги «Узсельпромте х м о н т а ж» трести.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИДАН

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди ва СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзилди:

1. Фарғона районидаги В. И. Ленин номли колхоз.

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:

2. Ленинград районидаги И. Охунбобоев номли колхоз.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИДАН

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:

1. Хонқа районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози.

Қуйидаги коллектив КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди:

2. Хонқа дон маҳсулотлари комбинати.

СОВЕТ ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ

3—4 март кунлари КПСС Марказий Комитетида марказий газета ва журналлар, ТАСС, АПН, СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети ходимларининг социалистик мамлакатлар проблематикасини совет оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалаларига бағишланган семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев «СССРнинг социалистик мамлакатлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш соҳасидаги актуал масалалари ва оммавий ахборот воситаларининг вазифалари тўғрисида» доклад қилди. КПСС Марказий Комитети Пропаганда бўлимининг мудири Ю. А. Скляров, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари В. М. Каменцев ва А. К. Антонов, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. П. Логинов, КПСС Марказий Комитети бўлими мудирининг ўринбосари В. Ф. Морозов ҳам кенгаш қатнашчилари ҳузурида сўзга чиқдилар.

КПСС XXVII съездининг ва Марказий Комитет январь Пленумининг ғоялари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг шу йил февралида оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари ҳузурида сўзлаган нутқи руҳида шу нарса қайд этиб ўтилдики, совет жамоатчилигини қардош мамлакатларнинг илғор тажрибаси билан ва ҳозир шу мамлакатларда ҳал этилаётган муҳим проблемалар билан ҳар томонлама ва холисона таништириш, шунингдек ҳозир совет жамиятининг турмушига хос бўлган қайта қуриш, социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, демократлаштириш жараёнлари тўғрисида қардош мамлакатларнинг аҳолисини кенг хабардор қилиб туриш зарур.

Социализм мамлакатлари проблематикасини ёритишда совет журналистларининг вазифалари ишчанлиқ вазиятида манфаатдорлик билан муҳокама қилинди. Дўстлар билан ҳамкорликни чуқурлаштиришда, унинг мазмуни ва формаларини ижтимоий тараққиёт ва халқаро вазиятнинг ҳозирги босқичи талабларига мувофиқ равишда сифат жиҳатдан такомиллаштириш соҳасида оммавий ахборот воситалари ниҳоятда муҳим роль ўйнаши лозимлиги таъкидланди.

Семинар-кенгашда социалистик мамлакатлардаги совет мухбирлари, бир қанча давлат ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

(ТАСС).

ҲУРМАТ ТАХТАСИГА ЁЗИЛДИЛАР

СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасининг янги экспозицияси очилди. Унга ўн иккинчи беш йиллик биринчи йили иш якунлари бўйича Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиби бўлган 703 коллектив ёзилди.

Қайта қуриш шароитида мусобақа сифат жиҳатидан янги мазмун билан бойиб бормоқда. Омманинг жонли ижодкорлиги, ташаббускорлик, ишчанлик, хўжалик юритишнинг самарали усуллари ғолибларни аниқлаш ва аташ учун асосий мезонлардир.

Юксак шарафга сазовор бўлган меҳнат коллективлари орасида Белоруссия темир йўли ҳам бўлиб, унинг меҳнатчилари хўжалик юритишнинг янги усулларини қўлланиш ҳисобига ишда юксак ва барқарор кўрсаткичларга эришдилар. Москвадаги С. Орджоникидзе номли станоксозлик заводи ишлаб чиқариш бирлашмасининг, Вильнюсдаги парма заводининг ва кўпгина бошқа корхоналарнинг коллективлари топқирлик ва омилкорлик намунасини кўрсатдилар.

Беш йиллик пешқадамларининг тажрибаси СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси павильонларининг кўргазмаларида кенг акс эттирилади ва миллионмиллион совет меҳнатчиларининг мулки бўлиб қолади.

(ТАСС).

Москва.

ПЛАКАТЛАР КОНКУРСИ

Ҳушёрлик учун кураш Бутуниттифоқ кўнгилли жамияти марказий совети, ВЛКСМ Марказий Комитети, СССР Рассомлар союзи бошқа ташкилотлар билан биргаликда «Ҳушёрлик — социалистик турмуш тарзининг нормаси» шиори остида Бутуниттифоқ плакатлар конкурсини эълон қилдилар.

Конкурс 1987 йил 1 мартдан 1 августгача ўтказилади. Бундан мақсад ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш вазифаларини ҳал қилишга кўмаклашадиган юксак бадиий даражадаги плакат санъати асарларини яратишдан иборат.

Конкурсга 60x90 ёки 70x100 сантиметр ҳажмдаги ишларнинг биринчи нусхаси тақдим этилади. Плакатлар ҳушёрлик учун кураш Бутуниттифоқ кўнгилли жамияти марказий советига юборилади. Ғолиблар учун мукофотлар белгиланган.

СССР Рассомлар союзи конкурс якунларига кўра, Москвада плакатлар кўргазмасини ташкил этади. Бу плакатларнинг энг яхшилари кўп нусхада нашр этилади.

(ТАСС).

ҲУШЁРЛИКНИ ҚАРОР ТОПТИРАЙЛИК

5 март куни Тошкентда ҳушёрлик учун кураш Ўзбекистон республика кўнгилли жамияти правлениесининг мажлиси бўлди. Ичкиликбозлик ва алкоголизмни тугатиш соҳасидаги иш тўғрисида жамиятнинг Наманган ва Хоразм область кенгашлари ҳисоботлари муҳокама қилинди.

Янги оммавий ташкилотлар активларининг фаолияти натижасида жамиятдаги маънавий муҳитни соғломлаштириш, ишлаб чиқаришдаги меҳнат интизомини мустаҳкамлашда ижобий силжишлар рўй берганлиги мажлисда таъкидлаб ўтилди. Оммавий ахборот воситаларининг ходимлари билан биргаликда «Самарали меҳнат ва соғлом турмуш учун» ўтказилган Бутуниттифоқ рейди ҳам бунга ёрдам берди. Бироқ мажлис қатнашчилари алкоголизмга қарши пропаганда етарли даражада самарали олиб борилмаётганлигини, бу иш оммавий тус олмаганини гапирдилар. Меҳнаткашлар, айниқса, ёшлар ўртасида самарали иш формалари секинлик билан жорий этилмоқда, кўргазмали агитация воситаларидан суст фойдаланилмоқда.

Ичкиликбозликка ва гиёҳвандликка қарши курашдаги мавжуд камчиликларни тугатишга қаратилган бир қанча тадбирлар белгиланди. Одамларнинг бўш вақтини маданий ва мароқли ўтказишни ташкил этишга алоҳида эътибор берилди.

(ЎзТАГ).

ОЛИМ ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРИБ

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида улуғ рус биологи, ғўза илмий селекциясининг асосчиси Г. С. Зайцев туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди. Унда олимнинг номи қўйилган Бутуниттифоқ ғўза селекцияси ва пахта уруғчилиги илмий-тадқиқот институти мутахассислари ВАСХНИЛ, республика фанлар академияси ва «Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси вакиллари иштирок этдилар.

Мажлис иштирокчилари нутқларида Г. С. Зайцевнинг Ватан пахтачилиги илми ривожига, ғўза систематикасига, илмий кадрлар тайёрлашга қўшган ҳиссаси таъкидланди.

Олимлар ва мутахассислар ғўза селекцияси, пахта толаси сифатини ошириш билан боғлиқ тадқиқотларни мувофиқлаштириш программасини бажаришга оид масалаларни, шунингдек селекция фанини ривожлантириш истиқболли планларини муҳокама қилдилар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йиллик самарали илмий фаолияти учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими президиуми раисининг ўринбосари ўртоқ Шукур Иброҳимовни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

БАЙРОҚДОР КОЛЛЕКТИВДА

Тошкентдаги «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи ўтган йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг якунига кўра КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди. Айни чоғда бирлашманинг номи СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзилди.

Корхонада меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, замонавий машиналардан унумли фойдаланиш йўлида изланиш олиб борилмоқда. 2. Зарбдор ишчи О. Колодюк. У ЧССРда тайёрланган замонавий машинани моҳирлик билан бошқариб, ҳамкасбларига намуна бўлмоқда.

Суратларда: 1. Комсомол аъзоси О. Караваев. У бу ерда ўн йилдан буён ишлаётган «Технолог» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ўнлаб ишчилари ва мутахассислари ичида ишончли ва ҳурматли ишчи. 2. Зарбдор ишчи О. Колодюк. У ЧССРда тайёрланган замонавий машинани моҳирлик билан бошқариб, ҳамкасбларига намуна бўлмоқда.

С. Величкин фотолари. (ЎзТАГ).

• Редакция назоратида

ПРОКУРОР НЕГА ИККИНЧИ МУДДАТГА КЎРСАТИЛМАДИ?

Ҳурматли газетхон! Эсингизда бўлса, газетанинг 1986 йил 23 август сонида босилган «Ҳомийлар» сарлавҳали танқидий мақолада Пахтачи район қорамолларни гўштга тайёрлаш ва давлатга сотиш идорасида давлат мулки талон-торож қилинаётганлиги, бу ишларга шахсан директор Х. Йўлдошев бош-қош бўлганлиги, унинг текинхўрлиги, ичкиликбозлиги ва бошқа жиддий камчиликлар конкрет фактлар билан фош этилган эди. Жумладан, мазкур мақолада идора директори Х. Йўлдошев баъзи ҳомийлари ҳимоясида юлғичликни авж олдиргани, район прокурори Ҳ. Каримов уни руҳий касал деб Самарқанддаги касалхонага жойлаштириб, масалага юзаки ёндашганлиги ҳам кўрсатиб ўтилганди.

Газетанинг 1986 йил 24 ноябрь сонида танқидий мақола юзасидан Самарқанд область партия комитети ва Ўзбекистон ССР Прокуратурасидан олинган расмий жавоблар ҳам эълон қилинди. Ўша пайтда район прокурори республика ташқарисида бўлганлиги учун унга нисбатан чора кўрилмаган ва бу масала очиқ қолган эди. Шундан кейин баъзи газетхонлардан, жумладан, Пахтачи район ҳалқ контроли комитетининг штатсиз инспектори Р. Улуғов ва Ш. Далиевлардан олинган мактубларда район прокурорига нисбатан қандай чоралар кўрилганлиги ҳақида ҳақли саволлар берилганди. Айни вақтда Ҳ. Каримовнинг ўзи редакциямизга хат йўллаб, танқидий мақолага нисбатан баъзи эътирозлар билдирди.

Ана шу ариза ва шикоятлар ҳамда газета мақоласи юзасидан САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИдан шундай мазмунда расмий жавоб олинди:

— Область партия комитетининг топшириғи билан Р. Улуғов ва Ш. Далиевлар ҳамда Пахтачи район собиқ прокурори Ҳ. Каримовнинг ариза-лари область прокуратураси томонидан кўриб чиқилди.

Район собиқ прокурори Ҳ. Каримовга оид фактлар текширишда қисман тасдиқланди. Ҳақиқатан ҳам Ҳ. Йўлдошев иши бўйича олиб борилган тергов даврида қатор процессуал камчиликларга йўл қўйилган. Тергов иши ноқонуний тўхтатиб қўйилган. Район прокурори Ҳ. Каримов муҳим маълумотларга эга бўлмай туриб, асоссиз равишда стационар суд-психиатрия экспертизасини тайинлаган ва ўтказган, натижада айбдор Ҳ. Йўлдошев бир ойдан ортиқ вақт мобайнида Самарқанд психо-неврология диспансерида бўлган.

Ҳозирги вақтда Ҳ. Йўлдошев суд ҳукми билан ашаддий безорилик қилганлиги ва милиция ходимига қаршилик кўрсатганлиги учун Ўзбекистон ССР Жиноят Кодексининг 204-ва 192¹-моддаларига кўра, уч йил озодликдан маҳрум этилган.

Ана шу ва бошқа нуқсонларга йўл қўйилганлиги учун Ҳ. Каримов район прокурорлиги вазифасига иккинчи муддатга кўрсатилмади, у лавозимидан бўшатилди ва ҳозирги вақтда область прокуратураси органларида ишламоқда. Район партия комитетига партиявий текшириш ўтказиб, КПСС аъзоси Ҳ. Каримовга тегишли баҳо бериш топширилди.

РЕДАКЦИЯДАН:

Демак, ҳали масалага нуқта қўйилганча йўқ, бу хат «Совет Ўзбекистони» газетаси назоратида турибди. Пахтачи район партия комитетидан коммунист Ҳ. Каримовга, унинг ишига қандай партиявий баҳо берилганлиги ҳақида расмий жавоб кутамиз.

«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«Ташмачилар»

Газетанинг 1986 йил 16 декабрь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали фельетонда Термиз гўшт-сут ва нон комбинатларида, область агросаноат комитетининг Термиз райондараро бирлашмаси базасида ташмачилик, текинхўрлик авж олаётганлиги конкрет фактлар асосида очиб ташланган эди.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИдан олинган расмий жавобда қуйидагилар хабар қилинади:

— Танқидий мақола Термиз гўшт-сут комбинати коллективи, партия ташкилоти умумий йиғилишларида муҳокама қилинди, ундаги фактлар корхонанинг ўртоқлик судида кўриб чиқилди. Гўшт ва сут маҳсулотларини талон-торож қилганликлари учун О. Сулейко, Э. Бобоқулов, Ж. Хўжаев, Н. Расулова, А. Пирназарова, К. Захароваларга тегишли жазолар берилди ва уларга ҳайфсан эълон қилинди, жарималар солинди. Уларнинг ҳаммаси ойлик мукофотдан маҳрум этилдилар. Цех ишчиси У. Абдуллаевга 60 сўм жарима солинди ва ишдан бўшатилди. Бухгалтер А. Ҳафизова масаласи очиқ партия йиғилишида муҳокама қилинди ва унга ҳисоб варақасига ёзиш шарти билан выговор берилди.

Комбинатда назорат кучайтирилди. Коллектив ўртасида тарбиявий ишлар, ўртоқлик суди ва халқ контроли группалари фаолияти активлаштирилди.

Мақола область партия комитети бюросида муҳокама қилинди. Партия, совет ва хўжалик органларининг бутун диққат-эътибори социалистик мулкни талон-торож қилиш фактларининг олдини олиш учун қаттиқ чора-тадбирлар кўришга, агросаноат корхоналарида назорат-пропуска хизматини яхшилашга қаратилди.

Барча партия комитетларида, агросаноат ва дон маҳсулотлари корхоналари коллективлари йиғилишларида мақолани муҳокама қилиш вазифаси юклатилди.

Термиз шаҳар партия комитетига мақолани муҳокама этиш, озиқ-овқат маҳсулотларини талон-торож қилган айбдор шахсларни, давлат мулкининг сақланиши устидан назорат ўрнатмаган маъмурият раҳбарлари ва масъул ходимларни қаттиқ жазолаш топширилди.

Шунингдек, «Ташмачилар» сарлавҳали фельетон юзасидан Қумқўрғон район агросаноат бирлашмасига қарашли ремонт-ишлаб чиқариш корхонасидан ҳам расмий жавоб олинди. Унда таъкидланишича, камчиликларга йўл қўйганлиги учун экспедитор А. Йўлдошев вазифасидан четлатилган.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

БИР ЎРИНГА ИККИ БИЛЕТ

Тошкентнинг Жанубий вокзалида ўз бурчига совуққонлик билан қараётган, ҳалол ишламаётган, йўловчиларни сарсон-саргардон қилаётган баъзи ходимлар борга ўхшайди. Шу йилнинг 29 январида 660-«Тошкент — Андижон» поездининг 11-вагонига билет олдик. Чиқсак, ўринимизда одамлар ўтиришибди. Маълум бўлишича, биргина шу вагоннинг 23-, 24-, 51 ва 53-ўринларига иккитадан билет сотилган экан. Саккиз йўловчи аввал проводникка, кейин диспетчерга ва охири вокзал навбатчисига мурожаат қилдик. Афсуски, улардан ҳеч қандай натижа чиқмади.

Х. АБДУЛЛАЕВ.

• *Партия турмуши: идеология ва қайта қуриш*

КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

ОММАВИЙ-СИЕСИЙ ИШЛАР, ТЕХНИКАВИЙ, БАДИЙ ИЖОДКОРЛИК, ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ҲОЛАТИ ҚУРИКЛАРИНИНГ КОМПЛЕКС СИСТЕМАСИ БОҒИШАМОЛ РАЙОНИДА ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАНИ ҲАҚИДА

2. ТЕХНИКА—БИЛИМ МЎЪЖИЗАСИ

«Социал-иқтисодий, илмий-техникавий ва ғоявий-тарбиявий проблемаларга замонавий ёндашишни ҳар томонлама рағбатлантириш зарур... Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда меҳнаткашларнинг техникавий ижодкорлиги муҳим роль ўйнаши керак». Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш юзасидан КПСС Марказий Комитетида ўтказилган кенгашда М. С. Горбачев масаланинг моҳиятини ана шундай асослаб, вазифа ниҳоятда масъулиятли эканлигини таъкидлаганди.

Комплекс системанинг муҳим бир бўғини худди ана шу масала билан боғлиқлиги эса бу йўлдаги дадил қадамни англатади, албатта. Унда мактаблар, олий ўқув юртлари, меҳнат коллективларида техникавий ижодкорлик кўригини ўтказиш, бу билан келажак ворисларининг ҳақиқий билимдон бўлишлари кўзда тутилган. Ўзбекистон ССР мактаб ўқувчиларининг оммавий-сиёсий ишлари, техникавий, бадиий ижодкорлиги, жисмоний тайёргарликлари аҳволи кўриклари тўғрисидаги Низомда, жумладан машина ва механизмларни техник конструкциялаш, моделлаштириш, технологик линияларни жиҳозлаш, архитектура ишларини бажариш, компьютер билан мулоқотда бўлиш, ЭҲМни ўрганиш, техник ва турмуш маданияти бўйича дизайн, турли олимпиадалар ўтказиш кўзда тутилган.

МАЪЛУМОТ: Мақсад — бўш вақтни ғоявий мазмунли ташкил этиш, болалар ҳаётини фойдали ишлар билан банд қилиш, кун тартибини оқилона тузиш ва унга риоя этишни тарбиялаш, вақтни қадрлаш, фаолият турлари — дарслар, уй вазифаларини тайёрлашни ўз қизиқиши бўйича: тўгараклар, клублар, секциялар, ижодий бирлашмаларда қатнашаётган машғулотлар билан алмашиб туриш...

(Комплекс система ҳақидаги Низомдан)

— Илгари техникавий ижодкорлик қатъий назоратга олинмаган эди,— дейди Боғишамол районидаги 12-ўрта мактаб директори Г. Румянцева.— Мана энди у идеология ишининг мазмунига киритилди. Ҳозир партия, касаба союз ташкилотлари ёшларнинг техникавий ижодкорлиги билан жиддий шуғуллана бошладилар. Апрель ойида мактабларда, май ойида эса районда бу борадаги зарур. Тўғри, 12-мактабда «Космонавтика» кабинети бор. Бу ерда турли космик кемалар ва сунъий йўлдошларнинг моделлари қўйилган. Бир неча йилдирки математика, физика, химия тўгараклари фаолият кўрсатяпти. Ҳафтада икки марта юқори синф ўқувчилари Самарқанд педагогика институтида бўлишиб, электрон ҳисоблаш машиналари «тили»ни ўрганишади. Биология кабинетида «Ўзингни синаб кўр» деган ҳаракатли модель ишлаб турибди. Ўқувчилар Ўзбекистон ССР география хаританасининг ҳаракатли моделини ясадилар. Худди шуни имкониятларини қараб чиқди. Сўнг эса мактаб ислоҳоти талаблари асосида оталиқ ташкилотлар ёрдамига таяниш керак, деган хулосага келинди. Барча корхоналар маъмурияти, партия ташкилотларига шу асосда топшириқ берилди. Қисқа вақт ичида мактаблар анча бойиб қолди. Бу келажакда албатта наф беради.

В. И. Ленин номли 34-мактабда бўлсангиз, бунга ишонч ҳосил қиласиз. Ўтган йилнинг сўнгги кунлари мактабга 9 та ЭҲМ ўрнатилди. Бу ўқувчилар учун кибернетика, компьютер саводхонлиги сари катта йўл очиб берди. Ҳозир 9-, 10-синф йигит ва қизлари машина ёрдамида турли масалаларни ечмоқдалар. Бу йил мактабда 7-, 8-синф ўқувчилари ўртасида ҳам ана шундай саводхонлик йўлга қўйилиши учун ҳаракат қилинмоқда.

Мактабда бу ишга илгарироқ киришилгани аллақачон маҳсулини бермоқда. Москва давлат университетининг кибернетика ва ҳисоблаш техникаси, Патрис Лумумба номли Халқлар дўстлиги университетининг иқтисодий кибернетика, СамДУнинг амалий математика факультетларида мазкур мактаб ўқувчиларидан бир неча нафари таҳсил олаётгани фикримизнинг далилидир. Бундай ёшлар учун электрон-ҳисоблаш машиналари билан мулоқот келажак йўлини белгилади.

— Бўлажак асримиз техника билимдонлари даври бўлади, — дейди мактаб директори С. Н. Кузнецов. — Шунинг учун болалар боғчасидаёқ жажжиларда техникавий ижодкорликка кўникма ҳосил қилиш керак.

Дарвоқе, комплекс системада бу ҳам назарда тутилган. «Красный двигатель» заводига қарашли 62-болалар боғчасида бўлганимизда бунга ишонч ҳосил қилдик. Боғчада педагогика совети чақирилиб, комплекс система асосида кўрик ўтказиш тадбирлари белгиланган.

МАЪЛУМОТ: Вазифа — болаликдан бошлаб мантиқий тафаккурни, айниқса, физика, математика, химия дарсларида аналитик ёндашишни актив ривожлантириш техникавий ижодиётда, кашфиётчиликда қатнашиш заруратини техника тараққиётининг пировард мақсадларини кўра олишин тарбиялаш, социалистик ташаббускорлик маъносини тушунтириб бериш.

(Комплекс система ҳақидаги Низомдан).

Боғишамол район халқ маорифи бўлими кўрикни ўтказиш планларини белгилаб чиқди. Унга кўра февраль—апрель ойларида техникавий ижодкорликка доир кўргазма ташкил қилинади. Сўнг эса фазовий моделлаштириш, радиоўйинлар, картинг ва бошқа турлар бўйича мусобақалар ўтказилади.

Олий ўқув юртларида эса асбоб-ускуналар механизмлари технология линияларини моделлаштириш, компьютер саводхонлиги бўйича баҳслар уюштирилади. Самарқанд давлат университети, кооператив институтида қизғин тайёргарлик бошлаб юборилган. Самарқанд шаҳрининг қарийб 40 процент саноат маҳсулотини Боғишамол райони беради. Яъни 20 та йирик саноат корхонаси бор. Бу ерда юзлаб инженерлар, ажойиб ихтирочи-рационализаторлар, тафаккур доираси кенг ишчилар меҳнат қилишади. Уларнинг имкониятлари, ижодиётлари ишга солинса, тараққиётимизга нақадар наф келтириши аён.

Бундай кишиларнинг таклифлари, кашфиётлари билан ишлаб чиқаришга, экономика юксалишига ниҳоятда катта фойда келтирилгани ҳақида ўнлаб мисоллар айтиш мумкин. Энди гап уларнинг ижодларини доимий изга солиш, корхоналар доирасидан район, область, республика бўйлаб олиб чиқишдир. Ахир Самарқанд химия заводининг ишчиси яратган янгилик чирчиқлик биродарлари учун қимматли мўъжизага айланар. Ёки бухоролик инженернинг кашфиёти боғишамолликлар учун асқотса ажаб эмас. Ҳа, райондаги ҳозирги ҳаракатлар самараси ана шундай ҳамкорликни таъмин этади. Ахир самолёт, ракеталарга, буюк ихтироларга йўл тўғаракдан бошланган.

Райком айни пайтда корхоналарни техникавий қайта қуроллантириш, реконструкциялаш жараёнида ишчилар, инженерларнинг таклиф-истакларини инобатга олиш зарур деган хулосага келди. Жумладан, «Красний двигатель» заводининг 12-цехини қайта қуроллантиришда ана шундай йўл тутилди.

Гарчи аёзли қиш бўлса-да, сатҳи музламаган ҳовузлар ёнида болалар тўпланишгани, атрофда байроқчалар ҳилпираётгани ёш техниклар қўлбола кемаларни «сафарга кузатишаётгани»ни тез-тез кўрадиган бўлиб қолдик. Мактаб спорт майдончаларида «ҳаво лайнерлари» ғувиллаб учирилишига болалар ҳавас билан боқишаётгани, ҳар қайсисининг кўнглида шундай модель ясашга иштиёқ туғилаётганини ҳис этамиз. Боғишамол райони мактабларида ўрнатилган компьютерлар олдидаги тийрак кўзли йигитча, қизалоқлар эҳтимол келажакда кибернетика марказларининг кўзга кўринган арбоби бўлар. Ахир кўриклар ўтказишдан мақсад ҳам шу-да.

МАЪЛУМОТ: Мақсад — социалистик омилкорликни, техникавий ижодиёт, ихтирочилик ва дизайнда қатнашиш эҳтиёжини; фан ва техника ютуқлари, илғор тажриба ва янги технологиянинг, техника тараққиётининг, илмий изланишнинг меҳнатни самарали ва қувончли қилишдан иборат пировард мақсади эканлигини кўра билиш маҳоратини тарбиялаш.

(Комплекс система ҳақидаги Низомдан).

Шуниси қувончлики, ҳовуз, бассейн ёнидаги болалар, мактаб майдончаларидаги ўқувчилар, электрон ҳисоблаш машиналари «ҳузурида»ги талабалар, янгилик излаб бош қотираётган ишчилар ёнида партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари вакиллари бор. Боғишамол район партия комитети идеология активларидан катта бир қисмини ана шундай амалий, истиқболи умидли ишга йўллади.

Ж. МАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПАРВАРИШ АВЖИДА

Калинин районидаги Калинин номли колхоз деҳқонлари пойтахтимиз аҳолисини мўлкўл сабзавот, мева, узум билан тўла таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. Бу ерда эртаги экинларни барвақт экиш, уларни ўз вақтида, юксак агротехника талаблари асосида парваришлашга катта эътибор берилаётганлиги туфайли меҳнаткашлар дастурхони баҳордаёқ витаминли маҳсулотлар билан тўкин бўлаётир.

Хўжаликда ҳар доимгидек бу йил ҳам эртаги экинларни экишга пухта тайёргарлик кўрилди. Ерлар ўғитланиб, унумдорлиги оширилди. Колхоз парникида етиштирилган сара кўчатлар қисқа муддатда далаларга ўтказилиб, усти пленка билан ёпилди. Айниқса, февраль ойида экилган карам кўчатлари яхши ривожланяпти.

Ҳозир ҳамма бригадаларда экинлар парвариши авжида. Эртаги экинларни чопиқ қилиш, минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантириш ишлари хўжаликнинг Ҳамид Каримов ва Қобил Фозиловлар бошлиқ илғор сабзавотчилик бригадаларида зўр уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда. Шу туфайли барча пайкаллардаги карам, редиска, кўкпиёз ва ошкўклар кунда бир яшнаб, мўл ҳосил тўплаяпти.

Р. КАРИМОВ.

ШАҲАРЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

Зарафшон дарёси бўйида ойна остидаги полизлар қурилиши давом этяпти. Бу Навоий районидаги «Коммунизм» колхозининг теплица хўжалиги бўлиб, унда турли хилдаги маҳсулотлар етиштирилади.

Хўжалик ўтган йилдан буён сабзавотчиликка ихтисослашиб боряпти. Теплицалардаги экинлар бу йилдан бошлаб ҳосил бера бошлайди. Ҳозиргача унинг 2 гектарлик биринчи навбати фойдаланишга топширилди. Бу ерда ҳар хил кўкатлар етиштириляпти, орадан кўп вақт ўтмай бодринг ва помидор навоийликлар дастурхонини безайди. Ойна остидаги майдонлар саҳни 6 гектарга етади.

Қ. АБДУРАУФОВ.

• *Ташвишли сигнал*

БОШЛИҚЛАРНИНГ... СОЦИАЛ ЭҲТИЁЖЛАРИГА

Янгийўл районининг баъзи раҳбарлари квартира телефони учун тўланадиган ойлик ҳақ неча пул эканлигини билмасликларига ишониш қийин. Чунки улар уйдаги телефон ҳақини давлат тўлаши керак, деб ҳисоблайдилар. Район алоқа узелининг бошлиғи Д. Бўтаевнинг давлат ҳисобига қилаётган саховатпешалиги туфайли бу ерда квартира телефонлари ҳақини пул ўтказиш йўли билан ёки гарантияли хат орқали тўлаш практикаси кенг ёйилган.

Бошлиқларгина шундай имтиёздан фойдаланиб келмоқдалар. Аммо ишчилар ва деҳқонларнинг уйидаги телефон ҳақини давлат ҳисобидан тўлаш ҳеч кимнинг хаёлига келмади.

14-ҳунар-техника билим юртининг собиқ директори Х. Алтешев бош бухгалтери Т. Задолинная ва бошқа ходимлари ўз телефонлари учун ҳунар-техника билим юрти бюджети ҳисобидан 560 сўм ўтказиб юборганлар. Ўрта Осиё машина синаш станциясининг раҳбарлари ҳам ана шу йўл билан 1132 сўм пулларини ўз ёнларида қолдирганлар. Область механика устахоналарининг, «Ташобласельстрой» 2-колоннасининг, Новомихайловское йўл ремонт-қурилиш бошқармасининг бошлиқлари шахсий телефонлари учун давлатнинг икки ярим минг сўмдан кўпроқ пулини совурганлар.

Лекин «Халқобод» агросаноат бирлашмасининг раҳбарлари ҳаммадан ҳам ўзиб кетдилар. Улар турли даражалардаги мансабдор кишиларнинг уй телефонлари учун орқа-олдини ўйламай, кўп саховатпешалик қилганлар. Шу тахлитда улар давлатга етказган зарар 5578 сўмни ташкил этган.

Бундай қараганда алоқа узелининг бухгалтерлари юқори мансабдор гражданларнинг бу хатти-ҳаракатлари номатлубгина эмас, ҳатто жиноий эканлигини эслатиб қўйишлари керак эди. Лекин бухгалтер Л. Святнойнинг ўзи уй телефони учун давлатнинг 140 сўм пулини тўлаб юборгач, бундай дейишга қандай тили борсин?..

Халқ контроли ҳайҳайламаса, иш эҳтимол шу тахлитда давом этаверган бўларди. Янгийўл район халқ контроли комитети ўз мажлисида шу масалани кўриб чиқиб, ишни прокуратурага оширишга қарор қилди. Тўғри қилишди. Энди қандай чоралар кўрилганлигини билиш учун у ердан жавоб кутамиз.

Лекин Бекобод районида халқ назоратчилари «Далварзин» совхози дирекциясидан ҳам ана шу айбларни топдилар-у, нима учундир масъулиятли нонҳўрларни «сийлаб турибдилар». Совхоз бошлиқлари қарийб икки йилдан бери давлат ҳамёнига қўл солиб юрган бўлсалар-да, фақат хўжаликнинг бош бухгалтери Н. Наважзо олди, холос.

Районлар партия комитетларининг тутаётган позицияси ҳам унча тушунарли эмас. Янгийўлда ҳам, Бекободда ҳам улар коммунист раҳбарларнинг хатти-ҳаракатларига тегишли баҳо беришлари керак эди. Бизда халқ бюджетида «бошлиқларнинг коммунал эҳтиёжлари ҳақини тўлаш» банди йўқлигини тушунтириб қўйишлари керак эди.

Бошқа районлар, областларда ҳам шундай ишлар бор-йўқлиги кўриб қўйилса, чакки бўлмасди. Эҳтимол аллакимлар квартира ҳақини ҳам давлат ҳамёнидан тўлаб юрганлиги ошкор бўлиб қолар...

Т. ДОҒЖИ.
ЎзТАГ мухбири

• *Дунё воқеалари*

Инсоният олдидаги юксак масъулиятни англаб

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ БАЁНОТИ ХУСУСИДА ХАЛҚАРО МИҚЕСДА БИЛДИРИЛГАН ФИКРЛАР

Чет эллардаги давлат ва сиёсат арбоблари, оммавий ахборот воситалари КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Баёнотини таҳлил этиб, Совет Иттифоқи инсоният олдидаги юксак масъулиятга амал қилиб иш тутаётганини, ядросиз дунёни барпо этиш манфаатлари йўлида ўзаро мақбул қарорларга келиш йўлларини сабот билан излаётганини таъкидламоқдалар. Улар Европадаги ўртача олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги Совет таклифини қабул этишга ва тегишли битимни ҳеч пайсалга солмай имзолашга Қўшма Штатларни даъват этмоқдалар.

ВАШИНГТОН. Президент Р. Рейган миллий телевидение орқали кўрсатилган ва эшиттирилган нутқида М. С. Горбачевнинг Баёнотини табриклайман, деб айтди. Совет Иттифоқининг бу қадами «Горбачев жаноблари билан менинг ўртамда 1985 йилда Женевадаги учрашувимиз вақтида эришилган ҳамжиҳатликка мос бўлиб тушади» деб қўшиб қўйди президент. Шу билан бирга, илгари Оқ уй вакилининг Баёнотида АҚШ «Яқин вақт ичида ўртача олислик ракеталари тўғрисидаги шартнома лойиҳасини Женевадаги музокаралар столига қўйишни мўлжалламоқда», деб уқтирилган бўлса, энди, Рейганнинг гапларидан маълум бўлишича, Вашингтон «ўртача олислик ядро қуроли хусусидаги шартноманинг ўз лойиҳаси текстини тақдим эта бошлаш» ниятида эмиш.

«Нью-Йорк Таймс» газетасининг ёзишича, СССРнинг «ракеталарнинг бутун бир классини батамом тугатиш тўғрисидаги таклиф — зарур йўлдаги туб силжишдир». Газета совет ташаббуси «яхши битим учун асос» бўла олишини уқтириб, Вашингтоннинг расмий доираларини «бу таклифни таб-риклашга ва уни ҳақиқий шартномага айлантиришга киришишга» чақиради.

ЛОНДОН. Британия ҳукумати ўртача олислик ракеталари хусусида битим тузишни оддий турдаги қурол-яроғларнинг баланси кичик олисликдаги ядро ракеталари ва жанг майдонида ишлатиладиган ядро қуроли проблемаси сингари масалаларнинг ҳал этилишига «боғлиқ қилиб» қўймаслиги керак, деди Буюк Британия лейбористлар партияси «заҳира кабинети»нинг аъзоси Д. Дэвис.

ПАРИЖ. Социалистик партияга яқин турувчи «Матэн» газетасида босилган мақолада президент Ф. Миттеран Франция ҳукуматининг совет таклифи хусусида илгари билдирилган позициясига қўшилмаганлигига ишора қилиб ўтилади. Франция ҳукуматининг баъзи аъзолари гарчи Ф. Миттеран бу соҳада мўътабар мавқега эга бўлса-да, республика президенти билан олдиндан маслаҳат қилмай, М. С. Горбачевнинг таклифлари хусусида писанда гапларни айтганликлари муносабати билан Елисей саройида таассуф изҳор этмоқдалар, деб ёзади газета.

ВЕНА. Австрия Ташқи ишлар министрлиги вице-канцлер, ташқи ишлар министри А. Мокнинг баёнотини тарқатди. Австрия, деб таъкидланади унда, М. С. Горбачевнинг Баёнотини табриклайди ва Ер курраси-нинг хавфсизлиги, инсониятнинг омон қолиши қурол билан эмас, биргаликдаги куч-ғайратлар ва сиёсий воситалар билан таъминланиши лозим, деб шу Баёнотда билдирилган фикрга ўзининг қўшилишини изҳор қилади.

БОННГ. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Европадаги ўртача олислик ракеталарини батамом тугатиш тўғрисида даҳол алоҳида битим тузиш хусусидаги таклифи —Европани ва бутун Ер юзини ядро қуролидан халос қилиш йўлида олға томон қўйилган жуда катта қадамдир, деб таъкидланади Германия Компартияси Правленеси Президиумининг баёнотида. Бу ташаббус, деб уқтирилади қўжжатда, тарихий аҳамиятга эга бўлиб, Совет Иттифоқининг тинчлик тақдири учун, инсониятнинг омон қолиши учун юксак масъулиятидан далолат беради.

Совет Иттифоқи, деб таъкидланади баёнотда, тенглик ва баб-баравар хавфсизлик принципи асосида ўзаро мақбул ечимларни қидиришда сиёсий мойиллик, қуролсизланиш ишида аҳдномага эришилишини таъминлаш муддаосини яна бир бор намойиш этмоқда.

СССР ва Ҳиндистон ўртасида фундаменталь ва амалий фанларнинг актуал йўналишлари бўйича узоқ муддатга мўлжалланган комплекс программа тузилмоқда. Илмий-техника соҳасидаги ҳамкорлик бошланиши олдидан келишиб олиш мақсадида СССРга Ҳиндистон делегацияси ташриф буюрди. Делегацияга профессор Рома Рао бошчилик қилмоқда. Меҳмонлар Ленинград, Новосибирск, Киев шаҳарларидаги бир қатор илмий муассасаларда бўлиб, иш тажрибаси билан танишадилар.

Суратда: Совет иттифоқилик профессор В. С. Летохов ҳиндистонлик олимларни СССР Фанлар академияси спектроскопия институтининг лабораторияси билан таништирмоқда.

А. Морковкин фотоси (ТАСС фотохроникаси).

СССР—Ҳиндистон: дўстлик қонуни асосида

Бхилаи металлурглари Бекободда ўқишмоқда

Ҳиндистонлик пўлат эритувчи Прасад Атлури авария чоғида даҳол шундай қарорга келди: пўлатни узлуксиз қуядиган машиналар электр ускуналарингг ноозлиги туфайли тўхтаб қолганини аниқлади. Атлури техникани сақлаб қолиш учун сув юборишни тўхтатиш тўғрисида буйруқ берди. Бу эса қуйма тез қотиб қолишининг олдини олди.

Бу шартли авария эди. Ўзбекистон металлургия заводи электр ёрдамида пўлат эритиш цехининг инженерлари Прасад Атлури учун шундай шароитни вужудга келтирдилар. Ҳукуматлараро битимга мувофиқ, Ҳиндистондаги энг катта Бхилан ва Визак Хапатнам металлургия комбинатларининг мастерлари ва бригадирларидан 11 киши бу ерда стажировкадан ўтмоқда.

— Ҳиндистонлик ҳамкасбларимиз бизнинг заводимизни ўқув базаси қилиб танлаганликлари бежиз эмас, — дейди бош инженер Г. Еременко. — Улар ҳам биз ишлаётган машиналарда меҳнат қилишмоқда. Демак, тезда тажриба орттирадилар. Беш йил ичида ҳиндистонлик ўнлаб мутахассислар қорхонамизда стажировкада бўлишди. Уларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқининг техникавий кўмагида қурилган Бхилан комбинати цехларида муваффақиятли ишлаётганликларини биламиз.

Ҳиндистон вакиллари Бекободда тўрт ой бўладилар. Уларни қисқа муддат ичида юқори сифатли пўлат эритишга ўргатиш — совет металлургларининг вазифасидир. Стажерлар группасида — турли касб вакиллари бор. Узлуксиз пўлат қуядиган машинада Прасад Атлури билан бирга Ратх Прадош, Прасад Тетали ва Рао Котхури ишлайдилар, электр қисмида Парамахамсе хизмат қилади...

Ҳиндистонлик мутахассислар цехда ҳар куни беш — олти соатдан бўлишади. Улар учун узлуксиз пўлат қуядиган учинчи машина билан ёнма-ён ўқув синфи жиҳозланган. Мураббийлар орасида пўлат қуядиган шундай машиналар бошлиғи Евгений Николаевич Суханов бор.

— Касбимиз билимнигина эмас, шу билан бирга жасоратни ҳам талаб қилади, —дейди у. —Техника ҳанчалик мукаммал бўлмасин шошилинч чора кўриш вазияти вужудга келганда металлург пўлатнинг турини билиши гоят зарурдир. Биз ҳамкасбларимизда мана шундай кўникмаларни ҳосил қилишга интиляпмиз.

— Бекободда ўқиётган дастлабки ҳафталарда биз кўп нарса ўргандик,—дейди Прасад Тетали. — Бир-биримизни тушунишда ҳеч қийналмаяпмиз, чунки мурабийимиз Борис Дадикин инглиз тилини жуда яхши билади. Ўқитиш программаси оқилона тузилган. Кечқурунлари ва якшанба кунлари ҳам зерикмаймиз. Биз завод маданият уйида бир неча марта концерт бердик, шаҳар мактабларида бўлдик. Ҳиндистондалигимиздаёқ совет кишиларининг очиқ кўнгиллилиги тўғрисида, уларнинг ёрдамга доим тайёр туриши, самимийлиги ҳақида кўп эшитгандик. Эндиликда биз бунга ишонч ҳосил қилдик.

Борис Дадикин бундан беш йил илгари Миср даги Хелвон металлургия комбинатида ишлаган вақтда унга «мистер Борис», деб мурожаат қилишарди. Москвадаги пўлат ва қўйилмалар институтини тамомлаган. Б. Дадикин вальцовкачидан корхона етакчи бўлимларидан бирининг бошлиғигача бўлган йўлни босиб ўтди. У курс раҳбари сифатида Ҳиндистон учун металлурглар таёрлаш сифатига ҳам масъулиятлидир.

— Ҳинд йигитлари чуқур билимга эга бўлиб, улар СССРга экскурсия қилиш учун эмас, балки ўзлари учун зарур профессионал чиниқиш учун келганликларини яхши билишади. Май ойида уларнинг ўрнига навбатдаги группа келади. Бу группа асосан қурилаётган Висакхапатнам комбинатида ишлайди. Тажрибадан шу нарса маълумки, улар ҳам гоят меҳнаткаш ва тиришқоқ шогирдлар бўлишади.

...Прасад Атлури учун вужудга келтирилган мураккаб вазият жуда камдан-кам учрайди: Южноуральск машинасозлик заводининг пўлат қуйиш ускуналари мукаммаллиги билан ҳамиша ажралиб туради. Бироқ Бекободда ҳамма нарсани назарда тутиш керак, деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун бу ерда иш юзасидан ўтказиладиган машқларга биринчи даражали эътибор беришади. Дўстлардан яшириладиган сиримиз йўқ: агар пўлат эритувчи мастерлар тайёрлаяпмизми, демак, улар жуда катта тажрибага эга бўлишлари керак.

Л. ЛЕВИН.
ЎзТАГ мухбири.

СССР ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ АҚШГА ВИЗИТИ ТУГАДИ

ВАШИНГТОН, 3 март. (ТАСС). СССР Журналистлар союзи делегациясининг АҚШга визити тугади. СССР Журналистлар союзи билан Америка газеталари редакторлари жамияти ўртасидаги делегациялар юбориб туриш программасига мувофиқ мазкур жамият Совет матбуотининг вакилларини АҚШга таклиф этган эди.

Совет делегацияси составида, жумладан, «Социалистическая индустрия» газетасининг бош редактори А. А. Баранов (делегация бошлиғи), «Тихоокеанская звезда» газетасининг бош редактори А. К. Бронников, «Правда Украины» газетасининг бош редактори А. Т. Зоненко, «Комсомольская правда» газетасининг бош редактори Г. Н. Селезнев, «За рубежом» ҳафталик газетасининг бош редактори М. А. Федоров, «Заря Востока» газетасининг бош редактори Н. Г. Черкезишвили, ТАСС чет эл ахбороти бош редакциясининг бош редактори В. Я. Чуксеевлар бор.

Совет журналистлари Вашингтонда ва Нью-Йоркда бўлган вақтида Америка матбуотининг вакиллари, таниқли жамоат ва сиёсат арбоблари, конгресс аъзолари билан учрашдилар. «Давра столи атрофида»ги суҳбатларда қатнашдилар, бундай суҳбатларда Совет-Америка муносабатлари масалалари, матбуот ходимларининг жамиятдаги роли муҳокама қилинди. Совет Иттифоқининг қуролланиш пойгасини жиловлашга қаратилган тинчлик ташаббуслари учрашувнинг америкалик қатнашчиларида зўр қизиқиш уйғотди.

Бизларни хайрихоҳлик билан қутиб олишди, деди Совет делегациясининг бошлиғи. Мунозаралар ва фикрлашувлар амалий ҳамда ижобий тусда ўтди. Ҳар иккала томон биз яшаб турган мураккаб даврда бундай алоқалар жуда зарур, деб ҳисоблашмоқда. Совет Иттифоқида рўй бераётган жамиятимиз турмушининг барча соҳаларидаги қайта қуриш тўғрисида, мана шу жуда катта ишда Совет матбуотининг роли ҳақида алоҳида қизиқиш билан суриштирдилар.

Америка газеталари редакторлари жамияти программасининг раҳбари Уотсон Симс Совет —Америка журналистларининг учрашувига юксак баҳо берди. Биз қанчалик тез-тез учрашиб, турли проблемаларни муҳокама қилиб турсак, бир-биримизни шунчалик яхшироқ тушунамиз. Гарчи бизнинг турли жамиятларнинг вакиллари бўлсак-да, кўпгина муҳим масалалалар, айниқса уруш ва тинчлик масалаларида муштарак фикрларга эгамиз, деди у.

• *Элга хизмат—олий ҳиммат*

ДИҚҚАТ: «ЭКСПРЕСС!»

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА АҲОЛИГА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АВТОКООПЕРАТИВ ТУЗИЛДИ

Агар эътибор берган бўлсангиз, республикамиз пойтахти кўчаларида сўнгги кунларда олдинги ойнасининг юқори ўнг томонида «Автокооператив» «Экспресс» деб ёзилган шахсий машиналар пайдо бўлиб қолди. Бу енгил машиналар Тошкент шаҳар гараж-техника хизмати кўрсатиш ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида яқинда ташкил этилган «Экспресс» кооперативи аъзоларига тегишлидир. Улар ўзларининг шахсий автомобилларида йўловчиларни ва турли юкларни манзилга элтиб қўйишяпти. Натижада кўчада шошилиб такси кутаётган кишиларнинг мушкули осонлашди. Шундай қилиб, аҳолига маиший хизмат кўрсатишда яна бир қулайлик яратилди.

Юқоридаги сатрларни ўқиган кишида: «Бу қандай янгилик бўлсин? Ана шу ишни бугунгача киракаш ҳайдовчилар ҳам бажариб келганлар-ку, ахир?» — деган савол туғилиши мумкин. Энди бу ишни киракашлар эмас, балки махсус кооперативга аъзо бўлган шахсий автомобилларнинг эгаларигина бажариш ҳуқуқига эгадирлар. Киракашлар йўловчидан кўпроқ пул талаб қилишлари мумкин. Кооператив аъзоларига эса худди таксидаги каби ҳақ тўланади. Яъни, йўловчини олганлиги учун 20 тийин ва спидометрга қараб қолган ҳар бир километр босиб ўтилган йўл учун 20 тийиндан пул тўланади. холос. Йўловчига эса мана шуниси маъқул.

Шундай қилиб, йўловчиларга хизмат кўрсатишдаги бу янгилик давлатга тегишли автомобиллардан фойдаланиб бойлик орттиришга чек қўйиши билан бир қаторда шахсий машиналарда киракашлик қилиб, меҳнатсиз даромад қилувчилар йўлига ҳам катта ғов бўлди.

«..Аҳолининг маиший хизматларга бўлган талаб-эҳтиёжлари тўлиқ қондирилаётгани йўқ. Пенсионерларнинг, жамоат ишлаб чиқаришда банд бўлмаган бошқа гражданларнинг меҳнатидан тўлиқроқ фойдаланиш ва жумладан, кооперативлар ташкил этиш йўли билан маиший хизматни яхшилашда талайгина резервлар мавжуд», — дейилади СССР Министрлар Советининг «Аҳолига маиший хизмат кооперативларини тузиш тўғрисида» яқинда қабул қилган қарорида. Тошкентда тажриба тарзида тузилган бу янги кооператив ҳам ҳукуматимизнинг ана шу қарорига жавобан қўйилган дастлабки қадамлардандир.

Хўш, бу кооперативга кимлар қабул қилинади? Унга асосан ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган гражданлар, пенсионерлар, уй бекалари ва студентлар қабул қилинади. Бундан ташқари корхоналар. ташкилотлар ва муассасаларнинг ходимлари асосий ишидан бўш вақтларида меҳнат шартномасига биноан кооперативда ишлашлари мумкин. Айни вақтда кооператив аъзолари олаётган пенсияси, шунингдек, ўқиш жойидан берилаётган стипендия ва асосий иш жойидан олинадиган иш ҳақи тўла миқдорда сақланиб қолинади.

Ҳозир бу кооперативга Тошкент шаҳри ва областида яшовчи шахсий машинаси бор ҳамда камида беш йиллик ҳайдовчилик стажига эга бўлган кишилар қабул қилинмоқда. Яқинда бундай кооперативлар республикамиз областларида ва аҳоли зич жойлашган пунктларда ҳам тузилади.

Нима учун бу кооперативга қизиқиш катта? Кооператив аъзоларига яна қандай имтиёзлар берилади? Биз ана шу саволларга жавоб олиш учун кооператив жойлашган Новомосковская кўчасидаги 25-уйда бўлдик. Кооператив аъзолари ва аъзоликка кириш учун ариза ёзиб келганлар билан суҳбатлашдик:

Қаюм Умаров. — Улуғ Ватан уруши ҳамда меҳнат ветераниман. Икки йилдан буён пенсиядаман. Ҳаваскор ҳайдовчиман. «Жигули» маркали машинам бор. Бўш вақтларимда одамларга, давлатга фойдам тегсин дейман.

Ҳусниддин Йўлдошев: — Тошкент кабель заводида шофер бўлиб ишлаганман. Ҳозир 120 сўм пенсия оламан. Икки-уч соат машинамда кўча айлансам ўзимни анча тетик ҳис этаман. «Жигули» ва «Москвич» машинаси борлар ишлаган ҳар соатида кооперативга бир сўмдан, «Волга»си борлар эса 1 сўм 20 тийиндан ўтказишлари керак. Ортиқчаси ҳайдовчиларга қолар экан. Буниси ҳам ёмон эмас.

Ғайрат Бўриев: — 1 класс ҳайдовчиман. Тошкент экскаватор заводида қоровул бўлиб ишлайман. Бир кун навбатчиликда турсам икки кун бўшман. Бўш вақтларимда йўловчиларга ҳам, ўзимга ҳам наф бўлсин дейман.

Раҳим Пўлатов: — Такси ҳайдовчисиман. Шахсий машинам бор. Бир кун ишласам иккинчи куни кун бўйи уйдаман. Бу кооператив тузилгани айни муддао бўлди. Чунки, айрим менга ўхшаш оз бўлса ҳам бўш вақти бор одамлар бекор ўтиришмайди энди. Бундан ташқари кўчадаги йўловчиларга ҳам қулай.

Қисқаси, Тошкентда тузилган бу кооператив мамлакатимизда қайта қуриш ва жадаллаштириш авж олиб бораётган бир пайтда талабнинг ўзгаришига, тез ва эпчиллик билан жавоб беришдир. Республикамиздаги барча тегишли министрликлар юқоридан қўшимча кўрсатмани кутиб ўтирмасдан, СССР Министрлар Советининг кооперативлар тузиш тўғрисидаги қарорига таяниб, дадил амалий ишга ўтишлари керак. Биргина транспорт хизматини яхшилаш борасидагина эмас, балки маиший хизматнинг барча турлари бўйича кооперативлар тузишга тезроқ киришиш мақсадга мувофиқдир.

Т. УКИБОЕВ.

ЯНГИЙЎЛ. Бу ердаги новвойлар «Оби нон» район, шаҳар кооперативига қўшилмоқдалар. Ҳозир унинг аъзолари 50 кишидан ошиб кетди. Нон маҳсулотлари санитария-эпидемиология станцияси ходимлари назоратидан ўтказилмоқда ва махсус ажратилган жойларда истеъмолчиларга сотилаётир.

Суратда: 1. Кооператив аъзоси Аҳмад Маматов тайёрлаётган нонлар айниқса харидорларга манзур бўлмоқда. 2. Унинг қизи Турсуной ва келини Карима ҳам нон ёпишда отасига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

3. Тажрибали новвойнинг ўғли Мухтор ҳам кооператив аъзоси. У ишдан бўш вақтларида тандир олдида қўли-қўлига тегмайди.

Р. Галиев фотолари.

БУТУН РЕСПУБЛИКА САҲНАГА АЙЛАНАДИ

Ўзбекистон санъат усталари Тошкент, Жиззах, Андижон, Наманган, Сирдарё, Самарқанд областларининг меҳнат коллективлари ҳузурига жўнаб кетдилар. Артистлар ва ёзувчилар, рассомлар ва композиторлар, созандалар ва кинематографчилар саноат корхоналари ишчилари, қурувчилар, деҳқонлар, чорвадорлар билан учрашадилар.

— Қишлоқ меҳнатчилари билан учрашиш қандай яхши, — деди жўнаб кетиш олдидан ёш хонанда, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг солисти Козим Қаюмов. — Улар бизни доимо орзиқиб кутишади. Мен уларга яқиндагина ёзилган янги қўшиқларимни ҳам совға қиламан. Уларга ўз ижодий режаларим тўғрисида ҳам сўзлаб бераман.

Концертларда композитор Т. Ҳасанов, хонанда Ф. Белялов, раққоса Т. Юнусова, халқ чолғу асбобларининг моҳир ижрочиси Ш. Йўлдошев ва бошқа санъат усталари иштирок этадилар. Ана шу группалар составига кирган Тошкент маданият институтининг ўқитувчилари ҳаваскор коллективлар — халқ ижодиёти иккинчи Бутуниттифоқ фестивалининг қатнашчиларига янги программаларни тайёрлашда кўмаклашадилар.

(ЎзТАГ мухбири).

ОКТЯБРЬ ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАНДИ

Муқимий номидаги ўзбек давлат музикали театри томошабинларни одатдан ташқари премьерага таклиф этди. Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига ва «Ҳужум» ҳаракатининг 60 йиллигига бағишланган «Октябрдан яшнади санъатим менинг» композицияси театр эллик йиллик тарихи мобайнида яратган энг яхши спектакларнинг парчаларидан тузилди. Бу композицияда ижодий коллективнинг ҳаммаси: тўрт авлод актёрлари — ўз ижодини шу ерда бошлаган саҳна усталари, ёшлар қатнашди. Ўзбекистон театр санъати олтин йилномасига кирган спектакллар ўлкада Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, хотин-қизларнинг озодликка чиқиши ҳаракати, урушдан кейинги йилларда халқ хўжалигини тиклаш, Мирзачўлни ўзлаштириш тўғрисида, замонавий мавзулар ҳақида ҳикоя қилади.

(ЎзТАГ мухбири).

РЕКЛАМА * ЭЪЛОНЛАР

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ
СИРТҚИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Сиртқи таълим тайёрлов бўлимига тўлиқ ўрта маълумотли илғор ишчилар, колхозчилар ва СССР Қуролли Кучлари сафидан запасга бўшатилганлар, агросаноат бирлашмаси, колхозлар, совхозлар, ҳарбий қисмларнинг қўмондонликлари берган йўлланмалар бўйича қабул қилинади

Тавсияномалар узлуксиз иш стажи бир йилдан кам бўлмаган кишиларгагина берилиши лозим.

Ишлаб турган жойидан бўшаган ва бир ой мобайнида яна ўша жойга ишга тикланган кишиларнинг меҳнат стажи узлуксиз стажга ўтади. Колхоз аъзоларининг амалий иш стажи колхозчининг меҳнат дафтарчасида муайян колхозда белгилаб қўйилган жамоат хўжалигида меҳнат қилиш минимумини бажарганлиги ҳақидаги ёзув бўйича аниқланади.

Тайёрлов бўлимига юборилган кишилар: ариза, йўлланма, ўрта маълумот ҳақида ҳужжатнинг асли, характеристика (корхона раҳбари, партия ва жамоат ташкилотлари томонидан имзоланган, Совет Армиясидан запасга бўшатилганлар учун ҳарбий қисм командири томонидан тасдиқланган), 8 дона фотосурат (3х4 см), 086/У формада медицина справкаси, корхона раҳбари тасдиқлаган меҳнат дафтарчасининг кўчирмаси (колхозчининг меҳнат дафтарчаси)ни тақдим этадилар.

АРИЗАЛАР 15 МАРТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ветеринария, зооинженерия ва қорақўлчилик факультетларига кирувчилар билан биология ва химиядан, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш бўлимига кирувчилар билан математика ва физикадан суҳбат ўтказилади.

Тингловчиларни қабул қилиш — 25 мартдан 31 мартгача.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 АПРЕЛДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати — 10 ой.

Ветеринария факультетига ветеринария мутахассислиги бўйича ўрта махсус маълумотга эга бўлган ва ихтисоси бўйича камида 2 йил ишлаган шахслар қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимини тамомлаб имтиҳонларни муваффақиятли топширган ёшлар ветеринария, зооинженерия, қорақўлчилик факультетларига ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш бўлимига сиртқи таълимнинг 1 курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Паспорт, меҳнат дафтарчаси, комсомол билети, ҳарбий ҳужжатлар шахсан кўрсатилади.

Адрес: Самарқанд шаҳри, К. Маркс кўчаси, 77-уй. Телефон 6-50-18.

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси

(ВАСХНИЛ)

Ўрта Осиё бўлимининг

ЎЗБЕКИСТОН ЧОРВАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

кундузги ва сиртқи аспирантурага 1987 йил учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

селекция ва озуқа экинлари уруғчилиги, ўсимлик шунослик, селекция ва чорва моллари етиштириш, хусусий зоотехния, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш технологияси.

Ҳужжатлар 1987 йил 15 мартгача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 1 апрелдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: 702145, Тошкент области, Оржоникидзе райони, «Красний водопад» алоқа бўлими.

СССР Алоқа министрлигининг

ТОШКЕНТ АЛОҚА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича

ВАКАНТ вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: илмий коммунизм, сиёсий иқтисод, олий математика (фан докторлари ва кандидатлари);

доцент: олий математика;

катта ўқитувчилар: илмий коммунизм (2 — илмий коммунизм, совет ҳуқуқи), сиёсий иқтисод, физика, чет тиллари (инглиз тили), жисмоний тарбия (педагогика фанлари кандидатлари);

ассистент: сиёсий иқтисод;

ўқитувчи: рус тили.

КОНКУРС МУДДАТИ — 23 МАРТГАЧА.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700087, Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 108-уй.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Ҳайвонлар оттракциони** (6/III да 19.30 да; 7/III да 16, 19.00 да).

БАЛИҚ ОВИ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1987 йил 1 мартдан 31 майгача.

СИРДАРЁ ВА АМУДАРЁДА ҲАР ҚАНДАЙ БАЛИҚ ОВЛАШ

ТАҚИҚЛАНАДИ

ҚАШҚАДАРЁ ВА СУРХОНДАРЁ СУВ ҲАВЗАЛАРИДА — **1987 йил 1 апрелдан 31 майгача** ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР, ХОРАЗМ ОБЛАСТИ СУВ ҲАВЗАЛАРИДА ВА БУХОРО ОБЛАСТИНИНГ ҚОРАҚИР КЎЛИДА **1987 йил 26 апрелдан 10 июнгача**, бошқа сув ҳавзаларида — 1987 йил 16 апрелдан 31 майгача.

БАЛИҚ ОВЛАШ ТАҚИҚЛАНАДИ

«УЗБЕКРИБВОД» ИДОРАСИ.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг «СПЕЦЭЛЕВАТОРМЕЛЬСТРОЙ» трести

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

«СПЕЦЭЛЕВАТОРМЕЛЬСТРОЙ» **трестининг** ИХТИСОСЛАШГАН МЕХАНИЗАЦИЯ ВА АВТОТРАНСПОРТ БОШҚАРМАСИ

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар тугатиш комиссияси томонидан эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги адресда қабул қилинади: 700091, Тошкент шаҳри. Ҳамза райони, Толарик кўчаси, 85-уй. Телефон: 90-43-55.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/III да **Зебунисо**, 7/III да **Юлдузли тунлар.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/III да **Тошболта ошиқ** 7/III да **Шайтон ва муридлар.**

• *Мавзуга қайтиб*

САБОҚ

Газетамизнинг ўтган йил 4 ноябрь сонида «Тарбияга муҳтож тарбиячилар» сарлавҳали мақола эълон қилинган бўлиб, унда Нурота районидаги Сентоб қишлоғида жойлашган 38-ўрта мактаб коллективида юзага келган носоғлом муҳит ва унинг баъзи сабаблари хусусида фикр юритилган эди.

Мана кўп ўтмай бу мавзуга яна қайтаётирмиз. Гап шундаки, кейинги пайтда, жумладан, мақола туфайли мактабга эътибор кучайиб, бу ерда анча-мунча ишлар қилинган. Хусусан, ўқув-тарбия ишларини олиб бориш негизи бўлган моддий база сезиларли мустаҳкамланган. Лекин мактабда бўлганимизда педагогика коллективидаги ўқитувчиларнинг ўзаро муносабатлари ҳали ҳам қўнгилдагидек эмаслиги, баъзи масалаларда ҳатто кескинлашиб кетганлиги маълум бўлди.

Масаланинг тарихи бундай: билим масканларининг ҳозирлик кўригида Сентобдаги мактаб янги ўқув йилига тайёр эмаслиги маълум бўлди. Ишга масъулиятсизлик билан қараган мактаб директори С. Олибоев ўрнига ёш ўқитувчи Ашурмо Элмуродова тайинланади.

Бу номзодни «Нурота» совхози партия комитети, Нурота район партия комитети ва халқ маорифи бўлими тавсия қилган эди. Бунга уларда тўлиқ асос ҳам бор эди. Сергайрат муаллима қисқа вақт ичида ўз фанининг ҳақиқий билимдони сифатида коллективда обрў қозонганди. Қизиқарли, сермазмун дарс бериш билангина кифояланиб қолмасдан, ўқувчиларда фанга меҳр уйғотишнинг янги-янги йўлларини изларди.

Ёш ўқитувчининг коллективдаги жамоат ташкилотларига ва шу таълим-тарбия масканига бутун умрини бағишлаган ҳурматли муаллимларга маслаҳат солинмасдан раҳбар қилиб тайинланиши кўпчиликни ажаблантирди. Бунинг устига А. Элмуродованинг отаси ва акаси ҳам шу мактабда ўқитувчи, онаси эса хизматчи бўлиб ишларди.

Район раҳбарлари масаланинг шу жиҳатларига эътибор бермаганлари ҳолда ёш раҳбарга кишилар билан бамаслаҳат, ҳар кимнинг қалбига йўл топишга интилиб ишлаш зарурлигини ҳам сингдира олмадилар. Фақат унинг ҳаракатчанлигига, камчиликларга муросасиз муносабатига умид боғладилар.

А. Элмуродова директорликка тайинланганидан кейин мактабда ишга масъулият, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга талабчанлик анча кучайди. Лекин буни ҳамма бирдай тушуниб қабул қилмади. Баъзилар кўп ишларни уруғ-аймоқчилик муносабатига йўя бошладилар. Энг ёмони, ҳали тажрибаси бўлмаган раҳбарнинг шундай мураккаб вазиятда йўл қўйиши мумкин бўлган хатоларидан фойдаланишни мўлжаллаб иш тутишди.

Янги директор дарс соатлари тақсимотида ҳамманинг кўнглини баб-баравар топа олмади. Бунинг учун имконият ҳам йўқ эди. Чунки мактабда бир неча фанлар бўйича ўқитувчилар сони кередигидан анча ортиқча эди. Бундан ташқари кўп педагоглар оилавий аҳволлари, хизматлари ҳисобга олинишини талаб қилишарди. Директорнинг ходимларни ишга олиш ва ишдан бўшатишда, ўқитувчилар билан муомалада тутган йўли ҳам мунозарага сабаб бўлди. Шу боис мактабнинг 19 ўқитувчиси директор фаолиятидан норози эканликларини редакциямизга йўллаган шикоят хатида баён қилдилар.

Хатни текшириш жараёнида анча фактлар тасдиқланмади. Чунки ўқитувчилар А. Элмуродованинг номини қандай бўлмасин қорага чиқаришни ўйлаб, ҳавойи фактларни ҳам қўшиб юборишдан ўзларини тия олмаган эдилар. Улар ўз хатида мактабдаги таълим-тарбия ишларининг бутунги кун талабларига жавоб бермаслигида, коллективдаги зиддиятли аҳволнинг вужудга келишида ўзларининг ҳам айблари борлиги ҳақида ломмим дейишмаганди. Ҳолбуки, уруш йилларида қурилиб, шундан буён жиддий созланмаган мактабни капитал ремонт қилиш даврида ёш директор жонкуярлик кўрсатиб, елиб югураётган эди.

Кўриниб турибдики, мактабда юзага келган носоғлом вазиятда ҳар иккала томон ҳам айбдор. Ўтган мақоламизда ёш раҳбар бу вазиятдан тўғри хулоса чиқариб олишини, келгусидаги ишларига ёрдам бўлишини назарда тутиб, унинг фаолиятига кўпроқ тўхталган эдик. Лекин ўқитувчилар хатида А. Элмуродованинг оқкўнгиллиги, покизалиги, ҳалоллигига шуҳоя билдирилган парча редакция ходими айби билан пухта ўйлаб кўрилмасдан мақолага илова қилинганди. Мухбир томонидан ҳам «салбий хулқатвори» ибораси ишлатилиб, қўпол хатога йўл қўйилганди. Унинг ҳалол ва поклигини одобли юриш-туриши, мактаб иши учун куйинчаклиги, болаларга пухта билим бераётганлиги, камчиликларга муросасиз муносабатда бўлиб, уни бартараф этиш учун жон куйдираётгани, қишлоқ аҳли ўртасидаги обрў-эътибори кўрсатиб турибди. А. Элмуродова меҳрибон она, ўқувчиларнинг ғамхўр мураббияси. Ёш директорнинг ташкилотчилик қобилияти, жонбозлиги, бир ишнинг этагидан тутса, охирига етказишга интилишини эса, илгариги мақоламизда ҳам таъкидлаб ўтган эдик. Кейинги учрашувларимизда бу ишончимиз яна ҳам мустаҳкамланди.

Мактабдаги келишмовчиликларни қишлоқ ҳаётидан ажратиб бўлмайди. Бу ерда мактабдан бошқа биронта замонавий маърифат ва маданият ўчоғи, йирик ишлаб чиқариш корхонаси йўқ. Мавжуд чоғроққина кинотеатр ва кутубхонанинг фаолияти талабга умуман жавоб бермайди. Уларни ҳақиқий маданий-маърифий ишлар марказига айлантириш мактаб коллективининг ҳам вазифасидир. Педагоглар бу биноларда бутун қишлоқ аҳлини ўзига жалб эта оладиган турли хилдаги қизиқарли тадбирлар уюштириш ҳақида ўйлаб кўрсалар яхши бўлар эди. Чунки қишлоқда ёки мактабда сепилган яхшилик уруғи уларнинг ҳар иккаласига татигулик мева бериши турган гап.

Шу ўринда ўз-ўзидан савол туғилади: мактабда носоғлом муҳит вужудга келаётган пайтда жамоат ташкилотлари қаёқда эдилар?

Текширишлар жараёнида шу нарса маълум бўлдики, улар низоларни бартараф қилиш, майда-чуйда гапларнинг газак олишига йўл қўймаслик ўрнига четдан қараб туришни, педагогик кенгашларда ва коллективнинг йиғилишларида бетараф позицияда бўлишни маъқул кўрганлар. Буларнинг ҳаммаси охир-оқибатда ўқувчиларга таълим ва тарбия беришга катта зарар етказишини ўйламаганлар. Ўқитувчиларнинг ўзлари ҳам эътироф этишларича, бугунги кунга келиб мактабдаги ўқув савияси жуда пасайиб кетган. Нурота район халқ маорифи бўлими бўлса, мактабдаги аҳволни яхшилаш учун «Тарбияга муҳтож тарбиячилар» мақоласи эълон қилингандан кейин ҳам етарли амалий чора кўрмади.

Қиссадан ҳисса шуки, район партия комитети, халқ маорифи бўлими партиямизнинг бугунги талабларига амал қилиб, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда коллективлар фикрига, кенг демократияга таяниб иш юритсаларгина Сентобдагидек воқеалар келиб чиқишининг олди олинади. Ёш директор А. Элмуродова ҳам, ўз ҳамкасблари йиғилишда масалани кўндаланг қўйиб таъкидлаганларидек, у коллективнинг ҳар бир аъзосига муносабатини айни шу талаблар асосида ўзгартира олсагина ҳақиқий раҳбар бўлиб шаклланиши мумкин. Бу йўлда унга мактаб педагоглари, район раҳбарлари талабчанлик, меҳр-муҳаббат билан яқиндан ёрдам беришлари лозим. Ўз навбатида ўқитувчилар ҳам бир гапни кам, икки гапни кўп, деб ҳисоблаб, қилдан қийиқ ахтаравермасдан, мактаб иши, ўқувчиларнинг яхши таълим-тарбия олишлари учун жон куйдиришлари, ижодий ташаббускорлик вазиятини вужудга келтиришни фаолиятларининг асосий мақсадларига айлантиришлари зарур. Биз журналистлар ҳам ҳар бир сўзимизга катта масъулият билан ёндашиб, нотўғри талқинларга асос бермаслигимиз керак.

Ш. ХОЛМУРОДОВ,
А. ҚОРЖОВОВ,

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

• *Тингланг, томоша қилинг*

6 март, жума

Телевидение

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.15 — Жонли табиат. 10.15 — Вадиий фильм. 3-серия. 11.30 ва 16.30 — Янгиликлар. 16.40 — Симфоник миниатюралар. 17.10 — «Ҳукумат аъзоси». Бадиий фильм. 19.10 — Дунё воқеалари. 19.25 — Жаҳон халқлари ижоди. 19.55 — Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган тантанали йиғилиш. 21.15 — Концерт. 21.30 — Время. 22.15 — Балли, қизлар! 00.15 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 — География. 10.05 — Инглиз тили. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Музика. 12.05 — Онамларнинг мактаби. 13.05 — «Кармелюк». Бадиий фильм 3 ва 4-сериялар. 15.35 — Янгиликлар. 15.40 — Ҳужжатли фильм. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Олий мактаб: қайта қуриш муаммолари. 19.15 — Концерт. 19.30 — Қишлоқ янгиликлари. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Сиз бунга қодирсиз. 21.30 — Время. 22.05 — «Кармелюк». Бадиий фильм 4-серия. 23.20 — Янгиликлар.

ЎзТВ-I. 7.50—Ритмик гимнастика. 7.30 — Ўринбосарлар улгаймоқда. 7.40 — Хаёлга келмаган воқеа. 7.50 — Салом, кичкинтойлар! 8.00 — Ахборот. 8.20 — Тонгги тароналар. 16.35 — Ўзбек мактабларида рус адабиёти. 17.10 — Ҳужжатли фильм. 17.30 — Янгиликлар. 17.40 — Абитуриент—87. 18.15 — Болалар учун фильм. 18.45 — Замондошларимиз ҳақида ҳикоялар. 19.05 — Телефильм. 19.25 — Ахборот. 19.55 —Халқаро хотин-қизлар куни—8 Мартга бағишланган тантанали йиғилиш. 21.30 — Время. 22.15 — Оламга саёҳат.

ЎзТВ-II. 19.30 — «Йигит билан қиз». Бадиий фильм. 20.40 — Ритмик гимнастика. 21.00 —Депутат ва ҳаёт. 21.30 — Время. **ФРУНЗЕ.** 22.15 — «Усевган киши». Бадиий фильм. 23.35 — Чет эл хабарлари.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Эстрада қўшиқлари. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 10.15 — Ҳар доим бўлсин тинчлик! 11.15 — Юность. 12.10 — Ўзбекистон бинокори. 13.00 Чорвадор. 13.30 — К. Готт куйлайди. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.40 — Ёзувчилар — болаларга. 16.15 — Бизнинг социалистик турмуш тарзимиз. 18.30 — Ф. Алимов ва Э. Қаландаров қўшиқлари. 19.20 — Огонёк. 19.55 — Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган тантанали йиғилиш. 21.45 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Бугун радиотеатрда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети бадиий коллективлари ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрининг созандаси М. Мирбаратовга қизи

Гавҳар Мирзашариповна МИРБАРАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Давлат план комитетининг ҳисоблаш маркази экономика ва нормативлар илмий-тадқиқот институти коллективи катта инженер Р. Ҳамидуллаевга отаси

Ҳамидулла ТОЖИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси коллективи пропаганда ва ташқи алоқалар бўйича директор ўринбосари А. М. Муҳиддиновга қизи

ЛАЙЛОнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Р.— 08617. В. — 54. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12